Ishonch


№ 55 (2624) - son

Insonga naf keltirish – oliy baxt

2009-yil

May


Ijtimoiy-iqtisodiy gazeta ✻ E-mail: ishonch-doverie@mail.ru ✻ Gazeta 1991-yil 21-martdan chiqa boshlagan



Рашид ГАЛИЕВ олган сурат




Бирни кўриб фикр қил... 4



Тараққиёт ва комиллик 5



Бош қотирилмаган бошқотирма 6



Вақт. Одам. Маром. 13

Ishonch 2009-yil 7-may
№ 55 (26241)

КОРЕЯ РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ЎЗБЕКИСТОНГА ТАШРИФИГА ДОИР

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов таклифига биноан Корея Республикаси Президенти Ли Мён Бак жорий йилнинг 10-12 май кунлари давлат ташрифи билан мамлакатимизда бўлади.

Ташриф чоғида Ўзбекистон Республикаси билан Корея Республикаси ўртасидаги ҳамкорликни кенгайтириш ва ривожлантириш масалалари, томонларни қизиқтирган минтақавий ва халқаро аҳамиятга молик долзарб муаммолар муҳокама қилинади.

Музокаралар якунида икки давлатнинг турли соҳалардаги ҳамкорлигини ривожлантиришга қаратилган икки томонлама ҳужжатлар имзоланиши режалаштирилмоқда.



Мавсумга тайёргарлик

Ўзбекистон касаба уюшмалари федерациясида Болаларни соғломлаштириш ва дам олдириш бўйича Тошкент шаҳар доимий комиссиясининг йиғилиши бўлиб ўтди.

Унда ёзги мавсумда болаларни дам олдириш ва соғломлаштириш юзасидан Тошкент шаҳар ҳокимлиги ҳамда шаҳар касаба уюшма ташкилотлари бирлишмаси кенгашининг «Ёзги таътил кунларида мактаб ўқувчиларини дам олдириш ва соғломлаштиришни ташкил этиш туғрисида»ги қўшма қарори ижросини таъминлаш юзасидан келиб чиқадиган вазифалар муҳокама қилинди.

— 2009 йилги мавсумда 42050 нафар болани соғломлаштириш режалаштирилган, — деди Тошкент шаҳар ҳокимининг ижтимоий-иқтисодий масалалар бўйича ўринбосари вазифасини бажарувчи Зафар Тўйчиев. — Шундан 22900 нафари касаба уюшмаларининг ижтимоий суғурта маблағи ҳисобидан, 19150 нафари шаҳар ҳокимлигининг бюджетдан ташқари маблағлари ҳисобидан ҳамда 15.500 нафарини мактаблар қошидаги кундузги оромгоҳларда дам олдириш мўлжалланган. Мавсум давомида 57 та оромгоҳ фаолият юритиши кўзда тутилган.

Куннинг иккинчи ярмида оромгоҳлар бошлиқлари, ҳисобчи, тарбиячи ва етакчилари иштирокида шўъбаларга бўлинган ҳолда семинар-кенгаш ўтказилди. Унда мавсумга тайёргарлик бўйича долзарб вазифалар хусусида ўзаро фикр алмашилди.

Нарзулла МАХАМОВ,
«Ishonch» мухбири

ИҚТИСОДИЙ БАРҚАРОРЛИК

жамиятнинг бугуни ва эртаси учун муҳим аҳамият касб этади

Мамлакатнинг бугуни ва эртаси учун муҳим аҳамият касб этадиган иқтисодий барқарорликни таъминлаш учун касаба уюшма ташкилотлари қайси жиҳатларга алоҳида эътибор қаратиш лозимлиги Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси кенгаши томонидан Бухорода ташкил этилган ўқув-семинарда атрофлича таҳлил этилди.

Вилоят касаба уюшмалари ташкилотлари бирлашмаси залида Ўзбекистон ҳукуматининг «Жаҳон иқтисодий кризиси оқибатлари олдини олиш ва бартараф қилиш бўйича кризисга қарши дастурига кўмаклашиш чора-тадбирлари» мавзусида ўқилган маърузалар баҳс-мунозара, савол-жавобларга бой бўлди. Унда вилоятдаги бир қатор корхона, ташкилот ва муассасаларнинг бошланғич касаба уюшма ташкилотлари раислари, тармоқ касаба уюшмалари вилоят кенгашлари ҳамда вакилликлари раҳбарлари, ОАВ ходимлари иштирок этдилар.

— Мамлакатимиз Президенти Ислом Каримовнинг «Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этиш йўллари ва чора-тадбирлари» номли асари ҳамда 2009-2012 йилларга мўлжалланган инқирозга қарши чоралар дастурини аҳолига тушунтириш, айниқса, дастур ижросини таъминлашга кўмаклашиш барча касаба уюшма фаолларининг асосий вазифаси бўлмоғи зарур, — деди Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси кенгаши раисининг биринчи ўринбосари М.Содиқов. — Бу вазифанинг кўлами кенг бўлиб, касаба уюшма фаолларидан аниқ мақсадлар йўлида изчил ҳаракатлар қилишни талаб этади.

ЎзКУФК раиси ўринбосари Н.Аллаёров маърузасида инқирозга қарши кураш тўғрисида фикр юритар экан, касаба уюшма ташкилотлари фаоллигини ошириб, уларнинг эътиборини, янги иш ўринлари яратиш, касаначиликни ривожлантиришга қаратиш, бўш иш ўринлари ярмаркаларини ташкил этишда бандликка кўмаклашувчи марказлар, корхона ва ташкилотлар билан ҳамкорликни кучайтириш лозимлигини таъкидлади.

Бухоро озиқ-овқат ва енгил саноат технологияси институти доценти Б.Мирзақулов ишсизлик, молиявий ва иқтисодий кризис шароитида маънавий-маърифий ишлар кўламини кенгайтиришнинг аҳамияти, оммавий ахборот воситаларининг роли тўғрисида фикр юритди.

Тадбир иштирокчилари ЎзКУФК аппарати бўлим мудирлари М.Исаев, У.Адилов, А.Рисқуллаев, А.Асадов, В.Кочкаров, шунингдек, етакчи мутахассислар С.Сайфуллаев ва Н.Ишонхановнинг кун тартибига киритилган долзарб мавзулардаги маърузаларини тингладилар.

Ўз мухбиримиз

Яқинда «Ситораи Моҳи Хосса» санаторийсига Қорақалпоғистон Республикаси, Хоразм, Бухоро ва Навоий вилоятларидан қишлоқ мактабларининг 93 нафар ўқитувчилари — касаба уюшма етакчилари ташриф буюрдилар. «Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили» Давлат дастурида белгиланган вазифаларни бажариш ҳамда Ўзбекистон Таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Марказий кенгашининг иш режасига асосан қишлоқ таълим муассасалари педагог ходимлари бу ерда бир ҳафта мобайнида дам олиб соғломлаштирилди.



Яхши дам — меҳнатга ҳамдам

Анжуман давомида қуйи касаба уюшма ташкилотлари ишини такомиллаштириш мақсадида касабақўм раисларининг ўқув семинари ҳам ўтказилди. Амалий машғулотларда Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси кенгаши, Республика Халқ таълими вазирлиги, Ўзбекистон Таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Марказий ҳамда вилоят кенгашларининг масъул ходимлари, олий ўқув юртларининг олимлари шу куннинг долзарб масалаларига доир маърузалари билан қатнашдилар.

Семинар иштирокчилари даволаш муолажалари, турли маданий-маърифий тадбирлар қаторида республикада биринчи бўлиб ташкил этилган тармоқ вилоят кенгашининг ўқув маркази, шунингдек, Бухоро шаҳри, Жондор, Ромитан, Бухоро туманларидаги мактаблар бошланғич касаба уюшма ташкилотлари фаолияти билан танишиб, ўзаро тажриба алмашдилар.

Иззатилла ҲОЖИЕВ,
«Ishonch» мухбири

Баҳорнинг сўнгги ойи бошланди, ҳademай ёзнинг иссиқ кунлари ҳам етиб келади. Болажонларнинг ёзги дам олишларини ташкил этиш, оромгоҳларда мириқиб хордиқ чиқаришлари учун аввало, бир қатор ташкилий ишларни амалга ошириш, уларнинг хавфсизлигини таъминлаш муҳим аҳамият касб этади.

Оромгоҳлар мавсумга шаймми?

Оромгоҳларни мавсумга тайёрлаш чоғида кўпинча шошма-шошарликка йўл қўйилади. Айниқса, ёнғин хавфсизлигини таъминлаш масаласига асло лоқайд қараб бўлмайди. Чунки кичкинагина носозлик ва эътиборсизлик катта ёнғин ва бунинг оқибатида турли фавқулодда вазиятлар содир бўлишига олиб келиши мумкин. Оромгоҳ электр ёритгичлар билан жиҳозланаётганда, сим ва кабелларни ўтказиш ва уларни таъмирлаш тажрибали мутахассис томонидан бажарилиши лозим. Ҳимоялаш воситаларини ясама симлар билан ўраш, айниқса, хатарлидир. Бунда ортиқча кучланиш юзага келиб, симларнинг қисқа туташуви натижасида ёнғин чиқиши мумкин.

Мавсумга тайёргарлик даврида оромгоҳларда ёнғин ва бошқа фавқулодда вазиятлар, хавфсизликни таъминлаш мақсадида тарбиячи ва болалар ўртасида тушунтириш ишлари олиб бориш, бу мавзуда викториналар ташкил этиш, суҳбатлар ўтказиш, ёш ўт ўчирувчилар дружиналарини ташкил этиб, улар орасида мусобақалар ўтказиш, ёнғин хавфсизлиги бурчакларини ташкил этиб, ёнғинга қарши тарғибот ишларини олиб бориш мақсадга мувофиқдир. Жойларда мутассадди хизматлар томонидан ходимлар оромгоҳларга бириктирилса ва барча оромгоҳларнинг ёнғин ўчириш режа ва варақалари ёнғин хавфсизлиги хизмати билан ҳамкорликда чуқур ўрганиб чиқилиб, шахсий таркиб билан амалий машғулотлар ўтказилса, фойдадан холи эмас.

Ёзги таътилни бехатар ўтказиш борасида қуйидагиларга амал қилиш зарур:

— оромгоҳ ҳудудидаги бинолларнинг ёғоч қурилиш қисмлари ёниш тезлигини пасайтирувчи махсус кимёвий суюқлик билан қайта ишланиши;

— ҳудуддаги барча электр сим ва кабеллар ҳимоя қобиқларининг электр токига қарши чидамлилик даражаси синовдан ўтказилиши, шунингдек, синов пайтида аниқланган электр ўтказгич ва кабелнинг носоз қисмлари, чироқни ёқиш қурилмалари ҳамда бошқа турдаги электр манбаалар созлигига ёки янгисига алмаштирилиши;

— дам олиш мавсуми даврида гулхан ёқиладиган майдон танланганда, унинг бинолардан узоқроқда ва атроф қуруқ хашак, ёнувчи материаллардан тозаланган, ҳар томонлама хавфсиз жойда эканлигига аҳамият берилиши;

— оромгоҳларнинг кўзга кўринарли қисмида бирламчи ёнғин ўчириш воситалари жойлашган бўлиши ҳамда ёнғинга қарши қалқон ўрнатилиши;

— ўт ўчириш сув ҳавзалари сув билан таъминлангани ҳолда бошқа сув ҳавзалари, дарё ва ариққа томон ўт ўчириш машиналари учун йўллар бўлиши;

— оромгоҳлар бирламчи ўт ўчириш анжомлари билан таъминланиши;

— содир бўлиши мумкин бўлган ёнғин ва бошқа фавқулодда вазиятлар ҳақида тегишли жойларга хабар бериш учун телефон, рация ёки мобил телефон билан таъминланиши;

— мавсумга жалб этилган тарбиячи, ишчи-хизматчилар ёнғин ёки фавқулодда вазиятлар содир бўлганда қандай ҳаракат қилиш, бирламчи ёнғин ўчириш воситаларидан фойдаланиш усулларини мукаммал билишлари;

— оромгоҳ раҳбарияти ва тарбиячилар болаларга кенг тушунтириш ишлари олиб бориб, ёнғин хавфсизлигига қарши викториналар ўтказиши керак.

Бу каби тадбирларни амалга оширишда оромгоҳ раҳбариятига жойлардаги фавқулодда вазиятлар бошқармаси ва ёнғин назорати ходимлари ёрдам беришлари, катта фожиага олиб келиши мумкин бўлган ҳар қандай ҳолатнинг олди олиниши лозим.

Рихсивой СОБИРОВ,
Фавқулодда вазиятлар вазирлиги қошидаги Фуқаро муҳофазаси институти катта ўқитувчиси, касаба уюшма қўмитаси раиси

Тайёр маҳсулот олинмоқда


«Гурлан пахта тозалаш» ҳиссадорлик жамиятида касаначиликка катта эътибор берилмоқда. Хонадон бекаларини иш билан таъминлаш мақсадида амалга оширилаётган хайрли ишлар корхонага ҳам, касаначига ҳам фойда келтираётир. 30 та касаначилик иш ўрни ташкил этилиб, корхона томонидан тушган буюртмалар сифатли бажарилмоқда. Улар асосан деҳқонлар ҳамда ишчи-хизматчилар учун махсус кийимбошлар, иссиқ нон ва нонхоллар етказиб беришаяпти.

— Касаначилик туфайли корхона учун зарур маҳсулотлар тайёрлашда анча иқтисод қилишга эришаяпмиз, — дейди жамият раиси Нуриддин Йўлдошев. — Айни пайтда, бундай иш ўринларини янада кенгайтиришни режалаштирганмиз. Тежалган маблағ эвазига иш ўринларини кўпайтириш имконияти туғилиши табиий.

З. ҚЎЧҚОРОВА,
Гурлан тумани

Мустақиллик йиллари жадидчилик ҳаракати фаоллари, айниқса, индивидуал шахслар ҳақида кўплаб тадқиқотлар олиб борилди. Абдурауф Фитрат, Мунавварқори Абдурашидхонов, Маҳмудхўжа Беҳбудий, Файзулла Хўжаев, Мусо Саиджонов каби юрт тараққиёти йўлида заҳмат чеккан ватандошларнинг ибратли фаолиятини ўрганиш бугунги кундаги долзарб вазифалардандир.

Қоракўл териси савдогарлари оиласида таваллуд топган Мусо Саиджонов ҳаёти ва фаолиятини ўрганиш муҳим аҳамиятга эга. Чунки у давлат арбоби, халқ маорифи фидойиси ва осори-атиқалар, меъморий ёдгорликларни сақлаш борасида катта ишлар қилган ўлкашунос олим сифатида ажралиб туради.


Архив

Фидойи муаллимнинг қисмати

Бухородa туғилган Мусо дастлаб эски мактабда, сўнг рус-тузем мактабида таҳсил олган. Ўсмирлик давриданоқ рус тили ва бошқа дунёвий фанларни ўзлаштирган. Форс ва тожик тили эса унга она тилидек эди.

М.Саиджоновнинг шахсий ҳужжатларидаги таржимаи ҳолида ёзилишича, у Бухорода Абдурауф Фитратдан таълим олган бўлиб, дунё матбуоти билан ҳам танишиб борган. Бу эса унинг билими ошиши, маърифатпарвар бўлишида катта аҳамиятга эга бўлган. Китоб савдоси билан шуғулланувчи ширкатни бошқарган М.Саиджонов бу имкониятдан фойдаланган ҳолда ширкатга келиб тушган китоблардан шахсий кутубхонасини ҳам бойитган бўлиши табиий.

М.Саиджоновнинг таълим-тарбия, маориф масалаларига доир қарашлари алоҳида аҳамиятга эга бўлган. 1918 йили Тошкентда 3 ой таълим-тарбия курси ҳамда дорулмуаллимингa муаллимлик қилиш учун борган Мусо миллий театр ва ўқув курсларида ҳам хизмат қилган. 1920 йили таътил чоғида Хўжанддан 60-70 талабани Самарқандда очилган таълим ва тарбия курсига олиб келиб, ўша курс учун муаллим ва дорулмуаллимингa мураббий этиб тайинланди. Хусусан, Тошкент, Хўжанд ва Самарқандда таълим ва тарбия курсларида муаллимлик қилганлиги ҳақидаги маълумотлар ўзининг шахсий ҳужжатларидан ҳам маълум бўлди. Унинг Самарқанддаги ишчилар билим юртида география фанидан дарс берганлиги ҳақидаги маълумотни шахсий ҳужжатлар орасида ушбу факультетда М.Саиджоновнинг ишлаши тўғрисида унинг номига берилган маълумотномадан аниқладик.

Мусо Саиджонов ўзининг тинимсиз меҳнати ва изланишлари орқали кўп китоблар ва нодир асарларни тўплаб, уларни ўрганар эди. Матбуотда қатор мақолалари ҳам босилиб чиққан. «Гўри амир мақбараси»[1], «Бухоро шаҳри ва унинг эски бинолари»[2], «Эски Самарқанд»[3] ва «Обследование усыпальницы Чильдухтарон в Самарканде»[4] («Samarqanddagi Childuxtaron maqbarasining tekshiriluvi»[5]) мақолалари шулар жумласидандир.

Бугунги тадқиқотларимиз натижасида «Бухоро халқ маорифи» номли яна бир мақоласи аниқланди[6]. «Озод Бухоро» газетасининг 1923 йил 25 октябрдаги 4-сонида чоп этилган ушбу мақолада «Маърузачи — ўртоқ Мусожон Саиджонов» деб кўрсатилган. Бундан кўринадики, М.Саиджонов газетада чоп этиш учун махсус мақола тайёрлаган эмас, балки ўша даврдаги бирор йиғилишда нутқ сўзлаган.

М.Саиджоновнинг маърузасида Бухоро халқ маорифининг ташкил этилиши, фаолияти, ушбу тизимдаги ютуқ ва камчиликлар очиб берилган.

Унинг фикрича, киши хат-саводли бўлиши учун аввало, истеъдодли бўлиши керак. 1920 йилга қадар мадрасаларда фақат диний фанлардан дарс берилган. Бухоро халқ маорифи ташкил этилгач эса, ўқувчиларнинг замонавий таълим олиши учун ҳаракат қилинган.

Инқилобдан кейинги маориф ҳолатини муаллиф янги мактабларга эҳтиёж мавжудлигига қарамай, ўқитувчиларнинг етишмаслиги ва маориф соҳасига юзаки қарашлар билан ифодалайди. Шунга қарамай бу даврда 130 га яқин таълим муассасаси очилган эди. М.Саиджоновнинг ёзишича, бу мактабларда асосан четдан келган муаллимлар дарс берган. Бироқ улар ўз юртларига қайтгач, ўринларини маҳаллий мударрислар эгаллаб, тажрибасизлиги сабабли таълим бериш жараёнининг сустлашишига олиб келди.

М.Саиджоновнинг шахсий ҳужжатлари орасида мактабларда ўқитиладиган китобларнинг рўйхатини учратдик. Булар Мунавварқорининг «Адиби аввал», «Ер юзи» ва «Адиби соний» асарлари, Шокиржон Раҳимийнинг «Тарихи муқаддас», Яъқуб Халилийнинг «Усули ҳисоб», Мўъминжоннинг «Нисоехул-итфол» («Болалар тарбияси»), Саид Аҳмад Васлийнинг «Адабуд-дин», Аҳмад Ходийнинг «Дунё маълумоти», Сўфи Оллоёрнинг «Саботул-ожизин», Исмоил Гаспиралининг «Ҳарфи туркий», Граменицкийнинг «Рус тили», Шукурийнинг «Забтул-ашъор» («Шеърият таълимоти»), Мулло Шокирнинг «Тарихи ислом», бошқа муаллифларнинг кўплаб асарларидир. Бу қўлланмалардан асосан жадид мактабларида фойдаланилган. Бироқ бундай мактаблар эски идора кишилари томонидан ёпиб қўйилган.

М.Саиджоновнинг таъкидлашича, халқ маорифи назорати 1920 йилнинг 5 сентябрида тузилган бўлса ҳам, бунинг тузилиш тартиби хусусида муфассал маълумот фақат 1921 йилнинг ноябр ойидан кейингина бор. Бу вақтдан эътиборан халқ маорифи назорати марказий ижроия қўмитасининг қарори бўйича ишлар мудирлиги, илмий шўро, мактаб шўъбаси, мактабдан ташқари маориф шўъбаси, давлат нашриёти ва молия шўъбаларидан иборат тузилган. Ушбу тартибда маориф назорати 1921 йилнинг ноябр ойидан бошлаб, 1923 йилнинг 5 сентябригача давом этди.

1923 йилнинг март ойи охирларида марказий партия қўмитасининг қарори бўйича маориф назорати ислоҳ қилиниб, штати яна камайтирилиб, янгидан қуйидаги шўъбалар ташкил этилган: 1) эски макотиб шўъбаси битирилиб, ўрнига ижтимоий тарбия шўъбаси тузилди; 2) бу шўъба ҳузурида янада «мактаб ишлари» ва «мактабгача тарбия» шўъбачалари ташкил этилди; 3) илгариги муовин ўрнига эски муовинлик вазифаси штати киргизилиб, буларнинг биттаси муовинликдан бошқа ижтимоий тарбия шўъбаси мудирлигини бажарадир; 4) мактабдан ташқари маориф шўъбаси ўрнига «сиёсий онг-билим тарқатиш» шўъбаси тузилиб, унга саводсизликни битирмак вазифаси ҳам юкланади; 5) нашриёт шўъбасига матбаачилик саноати ҳам қўшилиб, штати 12 гача орттирилди; 6) маҳаллалардаги маориф шўъбалари битирилиб, булар ўрнига раҳбар ва саркотиблардан иборат маориф мувофиқлашган ҳайъатлари тузилди. Бу ислоҳот натижасида маориф назоратининг 839 кишилик ташкилоти 725 кишигача камайтирилди.

Маориф нозирлигининг марказий идорасида илгари 58 киши ишлар эди. Ислоҳотдан кейин 44 киши қолди. Вилоят шўъбаларида 100 нафар эди, 33 қолди. Ўқув юртларида 721 эди, 244 қолди. Мамлакатнинг иқтисодий аҳволи оғирлиги эътиборга олиниб, сентябр ойида штат яна 210 га қадар камайтирилган.

Умуман олганда М.Саиджоновнинг бу каби тадқиқотлари Бухоро халқ маорифи тарихини ўрганишда муҳим манба бўлиб хизмат қилади.

Жадидларнинг маданий-маънавий ҳаракатларида фаол иштирок этиб, Бухорода юқори давлат лавозимларида ишлаган Мусо Саиджонов халқ душмани сифатида 1937 йили ҳибсга олиниб, қатағон этилган. 1965 йилга келиб М.Саиджоновнинг номи оқланди. Ҳозир М.Саиджоновнинг авлодлари бобосининг эзгу ишларини давом эттиришмоқда.

1989 йили Бухородаги ҳунармандлар ва таъмирчи усталар тайёрлайдиган 5-билим юртига Мусо Саиджонов номи берилган.

Сайёра МУҲАММЕДОВА,
ЎзФА тарих институти тадқиқотчиси

1 Мусо Саиджон. Гўри амир мақбараси. «Маориф ва ўқитувчи» журнали 1929 йил 4-сонига илова. Тошкент.

2 Мусо Саиджон. Бухоро шаҳри ва унинг эски бинолари. «Маориф ва ўқитувчи». 1927. 3 – 4-сонлар 1-қисм; 9 – 10-сонлар 2-қисм; Саиджонов М. Бухоро шаҳри ва унинг эски бинолари. Х. ТҒраев нашрга тайёрлаган // ИФЕАК. Серия «Рабочие документы». Выпуск-16 (июнь 2005г.)

3 Muso Saidjon. Eski Samarqand // Maorif va o'qituvchi. 1930-y. 6-7 son.

4 Саиджанов М.Ю. Обследование усыпальницы Чильдухтарон в Самарканде // Социалистическая наука и техника. 1936 й. № 3.

5 Samarqanddagi Childuxtaron maqbarasining tekshiriluvi. «Sosialistik fan va texnika. 1935. 5-son.

6 Мусожон Саийджонов. Бухоро халқ маорифи. «Озод Бухоро». 1923 йил 25 октябр. 4-сон.

Қутлуғ сана олдидан





Хотира ва қадрлаш куни муносабати билан Республика фахрийларини ижтимоий қўллаб-қувватлаш «Нуроний» жамғармаси Марказий кенгаши ҳамда Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги томонидан байрам тадбири ташкил этилди. Унда пойтахтимизда истиқомат қилувчи 200 нафардан зиёд иккинчи жаҳон уруши қатнашчилари, фронт ортида меҳнат қилган фахрийлар ҳамда ҳалок бўлган жангчиларнинг оила аъзолари иштирок этди.

Эъзоз

Кечада «Нуроний» жамғармаси Марказий кенгаши раиси Эркин Боқибоев мазкур сананинг мазмун-моҳияти, нуронийларни эъзозлаш, бой ҳаётий тажрибаларидан ибрат олиш ҳар биримиз учун шарафли бурч эканлигини таъкидлади.

Тадбир ниҳоясида Уруш ва меҳнат фахрийларига байрам совғалари тарқатилди.

Шерзод АБДУСАМАДОВ,
«Ishonch» мухбири

Ҳамиша эътиборда

Ўзбекистон миллий матбуот марказида «9 май — Хотира ва қадрлаш куни» олдидан тадбир бўлиб ўтди. Ўзбекистон мустақил босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди ҳамда Ўзбекистон журналистлари ижодий уюшмаси ҳамкорлигида ташкил этилган тадбирда иккинчи жаҳон уруши жангоҳларида ва тинчлик учун фашизмга қарши курашган журналистлар, уруш ногиронлари, ҳаётини миллий матбуотимиз ривожига бахшида этган, эл-юрт ҳурматига сазовор бўлган фахрийлар иштирок этишди.

Тадбирда иштирок этган шоир Назармат, фахрий журналистлар уюшмаси раҳбари Мақсуд Қориев ва жонкуяр ижодкор журналист Фарида Усмоновалар йиғилганларга ўзларининг самимий дил изҳорларини билдиришди.

Учрашув ниҳоясида уруш қатнашчилари, ногиронлар ва меҳнат фахрийлари учун байрам дастурхони ёзилиб, совғалар топширилди.

Сайёра ШОДИЕВА,
«Ishonch» мухбири



Хотира ва қадрлаш куни муносабати билан «Ўзбекистон темир йўллари» ДАТК тасарруфидаги «Поездларни рейсга техник ва технологик тайёрлаш филиали»да тадбир бўлиб ўтди. Унда иккинчи жаҳон ва афғон уруши қатнашчилари, фахрий темирйўлчилар иштирок этди.

Эҳтиром

Депо касаба уюшмаси раиси Ф.Илҳомов йиғилганларни байрам билан қутлаб, кексаларга эҳтиром кўрсатиш миллий қадриятларимизнинг асосини ташкил этувчи инсоний фазилатлардан бири эканлигини таъкидлади.

Марказий темирйўлчилар маданият саройи санъаткорларининг бадиий чиқишлари барчага кўтаринки кайфият улашди.

Феруза ХУДОЙҚУЛОВА

Қадри улуғ, хотираси боқий

Янгиариқ туман халқ таълими бўлими, таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси туман бирлашган қўмитаси ҳамкорлигида 11-ихтисослаштирилган мактабда ўтказилган тадбир таълим соҳаси ривожига муносиб ҳисса қўшган устозлар руҳини шод қилишга, уларнинг издошлари бўлган меҳнат фахрийларини қадрлашга бағишланди.

— Инсон ҳаёти абадий эмас, лекин хотира боқийдир. Ҳар бир халқ кечаги ҳаётидан, босиб ўтган оғир ва машаққатли кунлардан тегишли хулоса чиқариши лозим, — деди таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси туман бирлашган қўмитаси раиси Каримбой Собиров.

Тадбирда сўзга чиққанлар Жаббор Йўлдошев, Матёқуб Қўчқоров, Отажон Жуманиёзов, Жуманазар Қиличев каби мураббийлар номини тилга олиб, уларнинг авлодларга қолдирган ибратли ишларини яна бир бор ёдга олишди.

Тадбир сўнгида фахрийларга касаба уюшмаси, фахрийлар кенгашининг совғалари улашилди.

Муҳаббат ТЎРАБОЕВА,
«Ishonch» мухбири

Акс-садо



Наҳорги ош керакми?

Газетангизнинг 2009 йил 26 феврал сонида чоп этилган «Наҳорги ош кимга керак?» мақоласида кўтарилган муаммо каминани ҳам қизиқтириб қўйди. Шу боис ҳаётий кузатишларимдан айримларини қоғозга туширишга жазм қилдим.

Илгари тўйлар туш пайти ўтказилган. Наҳор ошини шаҳарликлар «кашф қилган» десак, тўғрироқ бўлади. Ҳозир ҳам Тошкентдаги кўп қаватли уйдагилар тўйни асосан наҳорда ўтказишади. Тўй қилувчилар эрталаб соат 6-7 ларда таклиф қилинганларга наҳор ошини тарқатиб бўларди. Шаҳарда яшовчиларнинг кўпчилиги давлат ишлари билан банд бўлгани боис наҳорги ош улар учун энг қулай пайт. Ана шу удум қишлоқларга ҳам кириб келди.

Кўпчиликка маълумки, эрталабки ошни ошқозон ҳазм қилиши қийин. Шу боис нонушта енгил бўлиши керак, дейишади шифокорлар.

Тўй эгаси яхши ният билан элга ош беради. Тўйга келдингми, есанг ҳам ейсан, емасанг ҳам ейсан деб ҳеч ким сени мажбурламайди. Бу ўринда ҳар бир инсон ўзининг овқатланиш меъёрини билиши керак.

Мақола муаллифи майит чиққан оиладаги турли удумлар ва унга қилинадиган сарф-харажатлар масаласига ҳам эътибор қаратади. Таассуфки, ҳануз тўй-маъракалардаги дабдабабозликдан тўлиқ холи бўлганимиз йўқ. Менимча, бунинг учун жамоатчилик назоратига алоҳида эътибор қаратиш лозим.

Тиллабек МИРЗААҲМЕДОВ,
пенсионер

Фототанқид


Шунча бўлурми, ҳай-ҳай...


Жамиятдаги тартиб аломатларидан бири бўлган **озодалик** азалдан халқимизнинг қон-қонига сингиб кетган, ҳанузгача маҳалла руҳи билан бирга яшаб келаётган сўнмас қадриятга айланган.

Аммо...

Бугун мамлакатимизнинг айрим ҳудудларида бу қадрият бироз унутилгандек, назаримизда. Чиқиндиларни тўғри келган жойга ташлаш оқибатида «ахлат тепаликлари»нинг вужудга келиши — наинки элимиз орасида ўзбеклик, балки одамийлик сифатларига ҳам дарз кет(аёт)ганидан дарак беради. Қолаверса, бу ҳолат юзага келмаслиги учун масъул бўлган мутасадди идоралар ҳам бор.

Оҳангарон шаҳридаги Намуна маҳалласида жойлашган Файзулла Хўжаев кўчасидан ўтар экансиз, ариқ четидаги **чиқинди уюмлари**ни кўриб, кўнгил хира бўлишга улгурмай ақлингиз шошади. Энг қизиғи... **Оҳангарон туман ҳокимияти**, **шаҳар ва туман судлари**, ҳатто **туман санитария эпидемиалогия маркази** ҳам айнан **шу кўча** бошида жойлашган(?!).





Икром ҲАСАНОВ олган суратлар

Мулоҳаза



Бирни кўриб фикр қил...

Хизмат юзасидан қишлоқларнинг биридан ўтиб борарканмиз, обод бир кўчада кўримсиз, дарвозасиз, деворлари нураёзган ҳовлига кўзимиз тушди.

— Бу уйда ҳеч ким яшамайдими? — сўради ҳамроҳим қишлоқ оқсоқолидан.

— Яшайди, — дея жавоб қайтарди у.

— Хароб аҳволда-ку.

— Эр-хотин, тоғни урса талқон қиладиган икки ўғил қарамагандан кейин...

— Айтиш керак.

— Айтишнинг ҳами қолмаган. Меҳнатга бўйин бермасалар нима қилайлик? Очиғи, уйнинг олдидаги мана шу қаровсиз томорқа ҳам шуларга тегишли, — оқсоқол кўли билан ажрик, қамиш босган ерга ишора қилди.

Маълум бўлишича, хонадон бекаси фермер хўжалигида ишлаб, ўртамиёна маош оларкан. Ёши эндигина қирқдан ошган ота эса ҳеч қаерда ишламайди.

Аёл дала юмушлари, пишир-куйдирдан ортмас экан. Ишлашни хуш кўрмайдиган эр билан икки ўғил бекорчиликни одат қилиб олишган.

— Хонадонларида қорамол тугул товуқ ҳам йўқ, — дейди оқсоқол афсусланиб. — Нуқул ариза ёздириб, қишлоқ фуқаролар йиғинидан ёрдам сўрашади. Ахир, ёрдамнинг ҳам меъёри, тартиб-қоидаси бор!

Оддий мантиқ: ота ишёқмаслик, текинхўрлик касалидан фориғ бўлса, ўғилларини атрофига олиб меҳнатга бел боғлаб, ҳаракат қилса, бировдан кам бўлмаслиги шубҳасиз. Ҳатто, хом ғишт қуйиб бўлса-да, девор тиклаб, уни андава қилғач, оқлаш мумкин-ку. Қолаверса, ҳозирги вақтда ҳалол меҳнат қиламан деган киши ўзи яшаётган қишлоқда ҳам иш топиш имкониятига эга.

Шу ўринда бир воқеа эсимга тушди.

Уйда қурилиш қилмоқчи бўлдик. Таниш-билишлардан дурустроқ уста дараклашга тўғри келди. Яқинларимиздан бири қўшни қишлоқлик бир кишини бизга жуда мақтади.

Сўраб-суриштириб айтилган хонадонни топдик. Уста шаҳарда бир кишининг уйида ишлаётганини айтишди. Топиб бордик.

— Бу ерда уч-тўрт кунлик ишимиз қолди. Кейин яна икки кишига ваъда берганмиз, — деди у муддаомизни билгач. — Йигирма кунларда бўшаймиз. Кутсангиз...

Устанинг ишини кўздан кечирдик. Чиндан ҳам тан бермай илож йўқ эди. Беш чоғли забардаст йигит қўли-қўлига тегмай ишларди.

Бизга ҳам навбат келгач, уста шериклари билан келиб ишга киришди. Бажарган юмушлари кутганимиздан ҳам тез ва сифатли эди. Бири-биридан ғайратли йигитлар вақт билан ҳисоблашмай меҳнат қилишди. Бу орада уч-тўрт мижоз уларни дараклаб келиб кетди.

Уста тушлик маҳали икки фарзанди олий ўқув юртида ўқишини, оиласи тинч, тўқлигини айтди. Енгил машинаси, 7-8 та сигир-бузоқ, 15-20 та қўй-қўзиси ҳам бор экан. Имконияти даражасида ёрдамга муҳтож оилаларнинг ҳожатини чиқариб, қишлоғи ободончилигига ҳам ҳисса қўшаркан.


Суҳбатдошимизнинг оддий ва самимий гаплари қулоғим остида жаранглар экан, ҳалиги ҳовлининг харобалигидан ўксиндим. Айни билаги кучга тўлган паллада умрини бекор ўтказиб, элнинг назаридан қолаётган бу оила билан устанинг гаплари-ю ҳаракатларини солиштирдим. Улар ўртасидаги фарқ эса ер билан осмонча.

Бугунги кунда ҳалол меҳнат билан йирик корхоналар ташкил этиб, юзлаб кишиларни иш билан таъминлаётганлар кўп. Уларнинг ўзига ҳам, меҳнатига ҳам тасанно дейсан киши.

Бироқ, таассуфки, атрофимизда ишёқмас кишилар ҳам оз эмас. Бир ҳақиқат бор: олма пиш, оғзимга туш деган билан иш битмайди.

Иззатулла ҲОЖИЕВ,
«Ishonch» мухбири

Луқма



Эрталаб «Чорсу» бекатидан 44-автобусга чиқдим. Кайфият яхши. Шу пайт орқа ўриндиқдан бир аёлнинг:

— Ҳайдовчи укам, тезроқ юришнинг иложи борми? Юрак қон бўлиб кетди-ку ахир, — деган овози эшитилди.

Ёшгина билет сотувчи йигитнинг қошлари чимирилди:

— Қаерда ишлайсиз, опажон. Ахир мен сизнинг ишхонангизга бориб, ундай қил, бундай қил, деб ўргатмаяпман-ку. Қачон, қандай юришни ўзимиз яхши биламиз. Ўргатманг бизга.

Уларнинг гапига зиёлинамо бир кекса киши қўшилди:

— Ҳар куни шу аҳвол, сира сон тегмади буларга.

Ким кимга хизмат кўрсатаяпти?

Атрофдаги кишиларнинг бақир-чақири кучайгач, ҳайдовчи моторни ўт олдирди. Йўловчилар «ҳайрият», дегандек енгил тин олишди. Автобус «Чорсу»дан ГУМ бекатига келди. Яна бояги машмаша бошланди. Боз устига билет сотувчи йигит қаергадир йўқолиб қолди. Ёшгина бир йигит безовталаниб:

— Ака, ишга кеч қоляпмиз. Инсоф борми ўзи? — деб ҳайдовчига юзланди.

У эса безрайганча:

— Қўйсанг-чи, укам. Мендан кундалик режани сўрашади. Билиб қўй, одам тўлмагунча юрмайман. Бир кунда неча пул топширишимизни биласанми? Ана бор, кимга шикоят қилсанг қилавер, — деса бўладими!


Дарҳақиқат, кейинги вақтда шаҳримиз бўйлаб қатнаётган айрим йўналишдаги автобусларда бундай ҳолат одатий ҳолга айланиб қолди. Нафақат автобус йўналишларида, балки айрим трамвайларда ҳам шу аҳвол. Бир куни 9-трамвайда кетаётгандим. Трамвай ниҳоятда секин юриб борарди. Шу вақт бир аёл ҳайдовчига эътироз билдирди:

— Тезроқ юринг, бу юришда қачон етиб борамиз?

Яна ўша эски гап. Ҳайдовчи «плани катта»лиги ва алланарсаларни рўкач қилиб, ўзини оқлади. Беихтиёр савол туғиларди. Ким кимга — автобус ёки трамвай ҳайдовчиси йўловчиларга хизмат кўрсатяптими ёки йўловчилар жамоат транспортигами?

Неъмат РАФИҚОВ,
журналист

Тараққиёт ва комиллик





Фан-техника юксак даражада ривожланган 21-асрда яшаяпмиз. Давр шиддат билан ўтиб бормоқда. Бугунги инсоннинг онги ва тафаккуридаги ўзгаришларни бундан бир-икки аср аввалги авлодларникига қиёслаб бўлмайди. Бироқ ўша биз назарда тутаётган тараққиёт ҳамиша ҳам инсоний комилликка таъсир кўрсатувчи омил бўла оладими? Ёки комилликнинг макон ва замонга ҳеч қандай алоқаси йўқми?

Макон, замон ва инсон

Юқоридаги саволларга бир-икки оғиз гап билан жавоб беришнинг иложи йўқ. Бу ҳақда мулоҳаза юритар экансиз,. мушоҳадага берилиб кетганингизни ҳам сезмай қоласиз. Модомики, инсоннинг комиллик даражаси унинг онги ва тафаккури билан белгиланар экан, онг ва тафаккур эса тараққиётга боғлиқ экан, унда нега комил инсонлар ҳозир камёб. Улар туғилмаяптими ёки бунақа зотлар минг йилда бир дунёга келадими?

Бу дунёдан не-не зотлар ўтмади дейсиз. Пайғамбарлар, алломалар, авлиёлар, донишмандлар, шоҳлар, гадолар.

Бу зотларга ҳурмат ҳамон давом этиб келмоқда. Агар улар шунчаки олим бўлганида бу қадар эҳтиромга сазовор бўлишмасди. Ҳозир дунёда жамики олим деган илмий даражага эга инсонларни рўйхатга олишнинг имкони бўлса эди, уларнинг санаб саноғига етмаган бўлардик. Чунки инсоният «олимлик мартабаси» муҳим бўлиб қолган «мусобақалар» авжига чиққан даврда яшаяпти.

Беихтиёр яна саволлар қуршовида қолиб кетамиз.

Илм-фан, техника асри. Ҳатто дунё олимлари сунъий инсонни ихтиро қилдик, деб жар солишаяпти. Суҳбатлардан бирида бир донишнамо инсон: «Ўзи яратиб қўйилган мавжудотни қандай қилиб яратмаслик мумкин?», — деган эди истеҳзо билан. Бу киноя жуда ўринли эди. Дунёнинг бу четида туриб гугурт қутисидек келадиган мўъжазгина аппаратни қулоққа тутиб дунёнинг у чеккасидаги шеригимиз билан истаганча гурунглашиш имконига эгамиз. Кўз очиб юмгунча бир китъадан иккинчи китъага парвоз қилаяпмиз. Бу мўъжизалар, сон-саноқсиз кашфиётларни биз юқорида тилга олган буюк зотлар етти ухлаб тушида ҳам кўрмаган эди. Демак, ҳозиргига ўхшаш тараққиётнинг улар учун бир чақалик ҳам аҳамияти бўлмаган. Эҳтимол, бир сеҳргар мўъжиза кўрсатиб улардан бирини дунё талотўпига киритиб қўйганда борми, у маълум муддат ўзига келолмай қолган бўлармиди.

Қайсидир «замонавий донишманд»лардан бири бу фикрларни эшитиб: «Э, бу комилликнинг тараққиётга нима алоқаси бор? Тараққиётдан мақсад тараққиёт-да. Инсоният шундай яралган, шундай яшайди, шундай ўтиб кетади», — дейиши мумкин энсаси қотиб.

Хуллас, бу мавзуда мулоҳаза юритсак, баҳсларнинг адоғи бўлмайди. Тараққиёт онгимизга, тафаккуримизга таъсир кўрсатадиган муҳим омиллардан бири эканлиги шубҳасиз. Бироқ инсоний комиллик мутлақо бошқа масала. Ахлоқ билан боғлиқ бу юксак тушунча ҳақида лоақал тасаввурга эга бўлишнинг ўзи ҳам катта гап. Инсон «тараққиёт»лар исканжасида қолиб кетиб, энг муҳим мақсадни, яъни биз назарда тутган тушунчани унутиб қўймаса бўлгани.

Инсон бу дунёнинг гултожи қилиб яратилган экан, энг аввало қалбимизда, руҳиятимизда юксалиш содир бўлишини астойдил истаб қолайлик.

Сайёра ШОДИЕВА,
«Ishonch» мухбири

Сиз нима деб ўйлайсиз?..

Тараққиёт имкониятнинг чексизлигини исботлаётган аксиомага ўхшайди. Нисбийлик асосига қурилган дунёда ҳар қандай фикрни исботлаш ёки инкор этиш мумкин. Шу маънода тараққиётнинг у томонидан ҳам, бу томонидан ҳам қарайдиганлар хоҳлаганча топилади. Негаки, ундан фойдаланаяпман ёки зарар кўраяпман деётганлар ҳам аслида, ўзи қурган иморатнинг тепасини янада кўтариш билан овора.

Интернет ҳам ана шу иморатнинг гумбазларидан бири. У номига монанд дунёни ўраб бўлди. Интернет кириб бормаган соҳа қолмади ҳисоб. Бу ҚУЛАЙЛИК. Шундоқ компютер қаршисига чўкасиз-у авваллари ҳафталаб, ойлаб, керак бўлса йиллаб изланишни талаб этадиган манбаларни шартта топасиз. Агар унинг зиёни кўп дейдиганлар бўлса, фойдаланмай қўя қолсин. Уларни ҳеч ким мажбурламаяпти. Илло, интернет орқали жуда кўп ахборотга эга бўлиш мумкин. Шунингдек, (талаба мисолида) ўтилаётган фанлардан берилган реферат, курс ишлари юзасидан керакли материаллар бемалол топилади. Аввалги талабалардек қалин-қалин китобларни титиш (отамдан кўп эшитардим) ташвишидан қутуламиз. Олтинга тенг вақтни тежашнинг бундан ортиқ чораси бўлмаса керак. Албатта, китоб ҳам ўқиб туриш керак. Чунки имконият кенгайгани сари эринчоқ бўлиб бораётган ҳозирги авлодни бир қадар сергаклантириш учун бу жуда муҳим. Қарс икки қўлдан чиқади деганларидек, талаба интернетдан ортган вақтини мутолаага бағишласа, мувозанат тикланган бўлар(ми)ди. Аммо...

Тараққиёт чўзилиб бораётган сумалакка ўхшайди. У бир куни қулаши, қулаганда ҳам ёмон қулаши (балки қулаётгандир...) аниқ бўлиб бораяпти. Тараққиётнинг югурдаги ҳисобланган глобаллашув жараёни экологик фожеами, касалликми ёки молиявий инқирозми... умуман, бир нуқтадаги муаммо билан дунёни лаҳзада қамраб олмоқда. Гўё интернет вируси каби унинг қаердан пайдо бўлиши ва оқибатларини англаш жуда мураккаб. Инсон аввало, ўзига инонмоғи керак. Бу уни собитқадамликка, иродага ўргатади, муҳими, ўз йўлининг тўғри ёки нотўғри эканини англашга имкон яратади. Айни кунда эса одамлар ўзига, атрофидаги дўстларига эмас, техникага ишонаяпти. Аждодлар меҳнати билан яратилган интеллектуал оламнинг кўлами билангина фахрланишмоқда, холос. Бундоқ машаққат билан илм олиш, изланиш унутилаётгандек. Ахир биз тафаккур эгасимиз, яратишимиз, изланишимиз керак. Ҳаётнинг ўзи тинимсиз ҳаракат деганидир.

Шу нуқтаи назардан кўп китоб ўқиган кишининг комиллик ёғдуларига талпиниши (фазилатлар шу ердан бошланади) ҳеч кимга сир эмас. Интернет эса уларни лоқайд қилиб қўймоқда. Масъулият унутилаяпти. Тўғри, интернетда бутун дунё кутубхонасини топиш мумкин. Лекин бу одамлар китоб ўқияпти дегани эмас. Интернет имконияти, ундаги «оммавий маданият» жилоси одамнинг китоб ўқишига йўл бермайди. Бу ерда вақтдан ютиш эмас, ютқазиш бор. Аслида, тараққиётга етишса бўлади, аммо комилликка ҚУЛАЙЛИКЛАР билан интилиб бўлмайди. Кишилар моҳиятни, тафаккурни, машаққатни (албатта китоб билан) англасагина аждодларимиз каби комилликка интилишни орзу қилса бўлади. Лекин бу ҳам бир фикр. Дунёнинг келажакка интилиши қандай натижа беришини фақатгина вақт кўрсатади.

Акмал ТОШЕВ

Соғинчни соғиндим

Эндигина талаба бўлган пайтларим қишлоққа таътилга борсам, яқинларим билан кўзда ёш, бағирлашиб кўришар эдик. Бағирлашганда ҳам бир-биримизнинг меҳр, соғинч тафтимизни ҳис қилардик. Ота-онамдан келган хатларни қайта-қайта ўқир, гоҳо ҳидлаб қўярдим. 21-асрнинг техника асри бўлиши ҳақидаги гапларга эса ишонқирамай қарардим.


Бугун замон шиддат билан ўзгармоқда. Кўз очиб юмгунча ҳаётимизга компютер, интернет, уяли телефон, калкулятор ва шунга ўхшаш нарсалар кириб келди. Албатта, булар мушкулимизни бирмунча осон қилди. Катта-кичик хабар ва янгиликлардан бир зумда бохабар бўлиш мумкин. Хоҳлаган одам уйида туриб ҳам дунёнинг ривожланган давлатида ўқиши мумкин. Энди мен ҳам республикамизнинг нариги чеккасидаги ота-онам ва яқинларим билан ҳар куни гаплаша оламан. Лекин...

Яна илгаригидай узоқ муддатдан сўнг яқинлар билан кўришганда аввалгидай соғинч ва меҳр ҳароратини ҳис қилмайман. Шу ўринда шоирнинг шаҳарга келиб, кўп қаватли уйларга қараб ёзган битиклари ёдимга тушади:

Устма-уст инсон тури,
Бу қандай ҳаёт сири?
Яқинлашганинг сари
Қочиб борар яқинлик...

Техника тараққиётининг зоҳирий комилликка жуда катта ижобий таъсир этаётгани бор гап. Бироқ инсон ботиний томондан ҳам камол топиши лозим. Бунда эса, шубҳасиз, инсоний туйғуларнинг аҳамияти беқиёс. Балки бу кечинмалар ўткинчидир. Аммо... Мен бугун соғинчни соғиндим. Сиз-чи?..

Холбек ЭРГАШЕВ



Волидаи муҳтарамамиз айтарди: «Болам, она қарғиши ўтмайди, ота қарғишига йўлиқма, ота қарғиши ҳаётингни барбод қилади». Болалигимда бу гапларнинг мағзини чақиб олмаган эканман, энди тушунаяпман. Бир мисол. Салим исмли йигит ота насиҳатига амал қилмади, ўзбошимчалик қилиб, ўзи истаган қизга уйланди. Отаси уни оқ қилиб, қарғади. Биринчи фарзанди ногирон бўлиб туғилди. Иккинчиси эса тўққиз ой яшади, оққон хасталигига йўлиқиб, ўлди. Алал-оқибат ўғил отасидан кечирим сўраб келди.

Қизига беш юзта китоб совға қилган ота

Баркамол жамиятнинг шаклланиши оиладан, айниқса, ота-она ибратидан бошланади. Сирдарёлик шоир Мирза Қайнар ёзган тўртликка эътибор беринг:

Инсон тилаги — бахт-саодатдир,
Саодат калити —
илму ҳикматдир.
Беш буюк ибодат
фарз бўлмиш, аммо
Энг улуғ ибодат —
ҳалол меҳнатдир.

Ҳа, барча муваффақият калити — ҳалол меҳнатда. Шунинг учун меҳнат қилган элда азиз. Ҳозирги пайтда ким меҳнат қилаётган бўлса, мевасини териб, яйраб яшаяпти. Аксинча, ким ишлашни ёқтирмаса, ҳаётдан нолиб юрибди. Унутмангки, ишлатилиб туриладиган калитни ҳеч қачон занг босмайди.

Янгиерда Саидмурод Усмонов деган инсон яшарди. У масъулиятли лавозимларда ишлаб, шаҳар иқтисодиёти, айниқса, маҳаллий аҳоли маънавиятини юксалтириш учун кўп ишлар қилди.

Саидмурод ака китобни жуда севарди. Китобдан олган маънавий сабоқларини бошқалар билан баҳам кўришни ёқтирарди. Ана шу сабоқларга қатъий риоя қиларди.

Эсимда, анча йиллар олдин қизи Дилафрўзни турмушга берди. Тўйга каминани ҳам таклиф этди. Сепига бир сандиқ — 500 та китоб берди. Қанийди, юртимизда Саидмурод акага ўхшаган китобнинг қадрига етадиган маърифатпарварлар кўпайса.

Китоб — юксак маънавият манбаи. Уни харид қилишга озгина маблағ ажратсангиз кифоя, умрбод садоқатли дўстингиз бўлиб қолади.

Пиримқул ДЎСТМАМАТОВ,
«Ishonch» мухбири

Ishonch 2009-yil 7-may
№ 55 (2624)

БОШ КЎТИРИЛМАГАН БОШҚОТИРМА



Ҳозирги пайтда меҳнат қонунчилигида «ёш мутахассис» атамаси истеъмолда бўлмаса-да, юрт келажагини ўйлаган корхона раҳбари ёшларга алоҳида ғамхўрлик қилиши зарур.

Таҳририятга Қарши шаҳри Хонтепа маҳалласи Култепа кўчасидаги 37-уйда яшовчи Лазиз Раҳматовдан шикоят хати келди. У 1984 йили туғилган. 2008 йилда Қарши давлат университетини тугатиб, ўша йили 1 июлдан вилоят халқ ижодиёти ва маданий-маърифий ишлар методик марказига ишга келган.

«Марказ раҳбари 23 октябр куни эрталаб «сен ишдан бўшадинг, энди бу ерда ишламайсан» деб қолди. Сабабини билишга қизиққан эдим, у менга бақириб, «ишдан четлаштирдим» деб қулоқ солмасдан бурилиб кетди», — деб ёзади у.

Хат ортига буйруқлар тиркалган. Меҳнат шартномаси йўқ.

Вилоят халқ ижодиёти ва маданий-маърифий ишлари илмий методик маркази
№ 19 «К»-сонли

БУЙРУҒИ

2008 йил, 1 июль — Қарши шаҳри

Л.Раҳматов — Вилоят Халқ ижодиёти ва маданий-маърифий ишлари илмий методик марказига 2008 йил 1 июлдан эътиборан 0,5 ставка асосида илмий ходим штатига 6 ой синов муддатида ишга қабул қилинсин.

Асос: Л.Раҳматов аризаси, меҳнат шартномаси.

Марказ раҳбари: Ф.Жумаева

Вилоят халқ ижодиёти ва маданий-маърифий ишлари илмий методик маркази
№ 32 «Ю»-сонли
БУЙРУҒИ

23 октябрь, 2008 йил — Қарши шаҳри

Уриндошлик асосида ишламайдиган бошқа ходимнинг ишга қабул қилиниши муносабати билан

Лазиз Раҳматов — Вилоят халқ ижодиёти ва маданий-маърифий ишлари илмий методик маркази илмий ходими билан уриндошлик асосида бажарадиган иши бўйича меҳнат шартномаси ушбу лавозимга уриндошлик асосида ишлайдиган бошқа ходим ишга қабул қилиниши муносабати билан 2008 йил 23 октябрдан Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 100-модда 2-қисм 5-бандига асосан бекор қилинсин.

Марказ бухгалтерияси томонидан унга ортиқча ойлик иш ҳақи миқдорида ишдан бўшатиш нафақаси тўлансин. Иш даври тўлиқ ҳисоб-китоб қилинсин.

Асос: Ш.Шарапхамедовнинг доимий ишга қабул қилиш тўғрисидаги 31-«Ю»-сонли буйруғи

Марказ раҳбари: Ф.Жумаева

Сал теранроқ мулоҳаза юритайлик. Шояд, тарафлар хатосини тушунса...

Биринчидан, нусхалар ҳақиқий бўлса, дастлабки буйруқда имзо кўринмайди. Аслига тўғрилиги ҳам тасдиқланмаган. Шундай бўлса, бу қандай буйруқ? Меҳнат кодексининг 82-моддасига кўра, буйруқ ходимга эълон қилиниб, тилхат олинади. Аслини олганда, буйруқдан эски маъмурий тизимнинг иси келади. Меҳнат шартномаси имзолангандан кейин ишни бошлайвериш керак. Яна бир томони бор. Ишга қабул қилиш ҳуқуқига эга бўлган мансабдорнинг ижозати билан ходимнинг ишлашига рухсат этилган бўлса, ишга қабул қилиш тегишли равишда расмийлаштирилган ёки расмийлаштирилмаганидан қатъи назар, иш бошланган кундан эътиборан меҳнат шартномаси тузилган ҳисобланади. Демак, нима бўлмасин, Л.Раҳматов илмий методик марказда меҳнатга оид муносабатнинг субъектига айланган.

Иккинчидан, ишга қабул қилиш иш берувчининг буйруғи билан расмийлаштирилиши, шубҳасиз, тўғри. Аммо бунга ходим билан тузилган меҳнат шартномаси асос бўлади. Бу — қонун талаби, бошқа нарсага ҳожат йўқ. Ёш мутахассис Л.Раҳматов: «Марказ раҳбари Фотима Жумаева билан 1 июлдан 2009 йил январ ойигача илмий ходим штатига асосий ходим сифатида шартнома имзоладик», — дейди. Асосий ходим 0,5 ставка билан ишга олинганми? Ёш йигитнинг бундай маош билан бир жойда ишлашига ишонгинг келмайди. Ё буйруқ шартномага асосланмаганми? Ходим ким билан меҳнат муносабатига киришаётганини яхши билиши керак. Баъзи раҳбарлар атайлаб қўшимча шартларни киритмайди, бунга ходим эътибор қилмайди.Чунки МКнинг 91-моддасига кўра меҳнат шартномасида келишилмаган иш ўрнини ўзгартириш учун ходимнинг розилиги талаб қилинмайди. Айтайлик, автобаза шофёри деб ишга қабул қилинса, директор истаган автоколонна, истаган машинага ўтказиши мумкин. Агар фалон автоколоннанинг фалон маркали машинаси шофёри деб ишга қабул қилса, бу ишни қилолмайди. Бу ўринда Лазиз ҳам марказдаги ўрнини аниқ билиши керак эди.

Учинчидан, 6 ой синов муддати белгиланмайди. Дастлабки синов муддати 3 ойдан ошмаслиги керак. Синов муддатини ўташ ҳақида меҳнат шартномасида шартлашилган бўлиши лозим. Бундай шартлашув бўлмаган тақдирда ходим дастлабки синовсиз ишга қабул қилинган ҳисобланади. Корхона учун белгиланган минимал иш жойлари ҳисобидан ишга юборилган шахслар ишга қабул қилинганда, шунингдек, олти ойгача муддатга ишга қабул қилиш ҳақида ходимлар билан меҳнат шартномаси тузилганда дастлабки синов белгиланмайди.

Мабодо муддатли меҳнат шартномаси муддатидан олдин иш берувчининг ташаббуси билан бекор қилинса, у ходимга неустойка тўлайди. Аммо буни муддатли меҳнат шартномаси деб ҳам бўлмайди. Шундай ҳолда, қонунда белгиланган муддатда меҳнат шартномаси бекор қилинмаса, шартноманинг амал қилиш муддати давом этиши керак. Энг муҳими, қонунчиликда белгиланган синов муддати у томонлар келишувида белгиланган бўлса-да, уч ойдан ошиб кетса, ҳақиқий эмас деб топилади.

Буйруқ меҳнат шартномаси мазмунига мувофиқ чиқарилиши керак. Меҳнат шартномаси эркин тузилади. Оддий қилиб айтганда, «фалон ишни қиламан, сиз қанча тўлайсиз, ҳақ тўламасангиз қўшимча ишни бажармайман» қабилида савдолашилади. Фақат меҳнат қонунига зид, аниқроғи, ходимнинг меҳнат ҳуқуқлари пасайтирилмаслиги керак. У ёки бу муносабат локал ҳужжатда тартибга солинган бўлса, шартномада қайтармай, шу ҳужжатга мувофиқ деб қўйса ҳам бўлади.

Аризачи ҳам қонун бузилганини қуйидагича баён этади: «У мени ишга қабул қилганда ўриндошлик сўзи бўлмаган. Аслида мен илмий ходим штатида бўлсам-да, маданий-маърифий бўлим ходими штатида маош олиб келганман». Ахир меҳнат шартномасида ходимнинг меҳнат вазифаси — мутахассислиги, малакаси, у ишлайдиган жой аниқ кўрсатилади. Касб, ихтисос, лавозим юзасидан келишув шартноманинг юраги. Шу ерда бузилиш бўлса, шартнома «ўлади». Ходимни копток қилиб ҳар томон тепмасликлари учун у хизмат вазифалари доирасини билиши шарт. Ходим билан иш берувчи ўртасидаги келишув бўйича у вақтинча бошқа ишга ўтказилиши мумкин. Аммо муддати тугагач, иш берувчи ходимга унинг аввалги ишини бериши шарт. Тўғри, ишлаб чиқариш зарурати туфайли ходимнинг розилигисиз ҳам бошқа ишга ўтказишга йўл қўйилади, лекин бу ҳолда аввалги иш ҳақидан кам бўлмаган миқдорда иш ҳақи тўланади. Булар барчаси жамоа шартномасида белгиланган бўлади. Доимий бошқа ишга ўтказиш эса иш берувчининг буйруғи билан расмийлаштирилади.

Назаримизда, меҳнат шартномасини тузишга эътиборсизлик қилинган. Ваҳоланки, меҳнат шартномасининг мазмуни асосан Меҳнат кодексининг 73-моддасида белгиланган бўлиб, тарафларнинг келишуви билан ўрнатиладиган меҳнат шартларидан иборат бўлади.

> اگر گل نیستی، خار هم مباش.
> *Гул эмас экансан, тикон ҳам бўлма.*
> **Форс мақоли**

Вазирлар Маҳкамасининг1997 йил 11 мартдаги 133-қарори билан тасдиқланган «Меҳнат шартномасининг намунавий шакли»нинг 3-бандида шартнома асосий иш ёки ўриндошлик бўйича тузилган деб ҳисобланиши кўрсатилган.

Ходим ўриндошлик асосида ишлайдиган бўлса, буйруқда касбнинг ягона тариф квалификациясига мувофиқ ўриндошлик асосида олиб бориладиган касб ва лавозим аниқ кўрсатилиши керак. Ходим меҳнат қилиши керак бўлган таркибий бўлинма ва иш режими кўрсатилиши лозим. Бундай буйруққа иш жойидан маълумотнома ва меҳнат шартномаси асос бўлади.

Аризачининг ўриндошлик асосида ишлаётганимни билмаганман, дейиши ғалати. Ўзи меҳнат шартномасида нима келишилгану амалда қандай иш бажарилган?

Асосий иш жойи бўлса, иш берувчи меҳнат дафтарчасига ишга қабул қилиш тўғрисида маълумотларни ёзиши шарт. Ўриндошлик асосида ишлайдиган бўлса, фақат ходимнинг илтимосига биноан бу ҳақда меҳнат дафтарчасига ёзув киритилади.

Тўғри, бошқа доимий ишлайдиган ходим қабул қилиниши муносабати билан ўриндошлар билан меҳнат шартномаси бекор қилиниши мумкин. Лекин аризачининг ёзишича, юқорида айтиб ўтганимиздек, бу ҳақда меҳнат шартномасида қайд этилмаган.

Бу шартнома номигагина тузиладиган шунчаки оддий ҳужжат эмас. У фақат иш берувчининг манфаатига хизмат қилмайди. Тарафлар тенг. Шартномани бажармаслик интизомий, моддий, иш берувчи учун эса маъмурий, ҳатто жиноий жавобгарликни келтириб чиқаради.

Ҳамма нарсаси етарли бўлишига қарамай Коконинг ҳаётдан кўнгли тўлмасди. У касбини севар, мода дунёси уни ҳар доим ўзига чорлаб турарди. Мода журналларини мунтазам ўқиш, янги дизайнларни синчиклаб кузатиш ҳам кўнглига таскин бермади.

Мода оламидаги навбатдаги дизайнер ёш француз йигити Кристиан Диор эди. 1947 йили ўзининг «Янги кўриниш»ини намойиш этди. У яратган кофта, юбкалар жуда тор бўлиб, ҳатто эркин нафас олишга халал берарди. Унинг юбка ва кўйлакларининг бел қисми жуда тор, пасти кенг, оёқ кийимигача тегиб турарди. Аёллар Диорнинг либосларига мафтун бўлишди. Чунки улар уруш давридаги одатий кийимлардан бутунлай бошқача эди. Ҳар йили пайдо бўладиган Кристиан Диорнинг янги либослари Коконинг жаҳлини (эҳтимол, ҳасадини) қўзғай бошлади. Айни шу ҳислар исканжасидаги Коко 1953 йили мода бизнесига қайтади. У Парижга қайтиб, келгуси йили бўладиган намойишга янги услубдаги либослар тайёрлашга киришиб кетди. Кўпчилик уни ақлдан озибди деб ўйлади: «Етмиш ёшли кампир замонавий мода тўғрисида нимани ҳам биларди? Наҳотки у замон бутунлай ўзгариб кетганини билмайди?!».

Лекин Коко бундай гапларга қулоқ солмади. 1954 йил 5 февралда Парижда янги дизайнларини тақдим этди. Бу шоу жуда аянчли якун топди. Барча газета ва журналларда «бу намойишда кампирлар ва қишлоқ аёллари учун либослар кўрсатилди» мазмунидаги мақолалар чоп этила бошлади. Табиийки, Коко бундан жуда қаттиқ ранжиди.

Кейинги йили у навбатдаги намойиш учун бутунлай ўзгача услубдаги либосларни тақдим этди. Бу гал унинг либослари кўпчиликнинг эътиборини қозонди. Бир йил ўтгач, яна бир намойиш ўтказилди, одамлар Коко дизайнларига бутунлай «қайишди». 1950-йилларнинг охирларига келиб Коко дунёдаги энг зўр дизайнер номини қайтариб олди. 1960-йилларда эса дунёнинг энг гўзал ва бой аёллари маслаҳат сўраш, янги услубдаги костюм-юбка, кўйлаклар сотиб олиш учун унинг идорасида навбат кутишарди.

Ҳаётининг охирги 17 йилида у Париждаги «Ритз» меҳмонхонасида ёлғиз яшади. Ҳар куни эрталаб офис ёки дўконларидан бирига пиёда борар, ярим кечагача матоларни бичиб, янги мода устида узоқ ўй сурарди. «Нега бунчалик қаттиқ ишлайсиз?» деган саволга у «ишим мен учун доимо даво бўлиб келган» дея жавоб қайтарарди. Бу «малҳам» ўлимни қаршилаган саксон еттинчи ёшида ҳам Коко билан бирга эди.

«Chanel» ёрлиқли кийим ва парфюмерия маҳсулотлари узоқ вақтлардан бери дунё бозорида обрўсини йўқотмай келаяпти. Замонавий «House of Chanel» («Шанел уйи») компанияси Коконинг эски компанияларидан бутунлай фарқ қилади. Янги компания президенти немис дизайнери Карл Лежерфелд 1983 йили бу компанияни сотиб олди ва янги ғоялар билан бойитди. У машҳур Шанел исми турли хил маҳсулотлар сотишда қўл келишини ўйлаб, компания номини ўзгартирмади. Қисқа вақт ичида компаниянинг 40 дан ошиқ давлатда дўконлари очилди. Энди Шанел номи шляпа, камар, тақинчоқ, кийим, сумка, турли хил косметика маҳсулотларига берилди. Шанел маҳсулотлари аввалгидан кўпроқ харидорларга эга бўлди.

Эҳтимол, Коко тирик бўлганида компания ишларидан жуда мамнун бўларди. Истаган филиалдан бирига ташриф буюриб, у ердан ҳали ҳам худди ўша тўртбурчак оддий шиша идишда сотилаётган «Chanel №5» атирини сотиб олган ёхуд бежирим кийимларига мослаб тақинчоқлар танлаган бўларди.

Хориж матбуоти материаллари асосида
Наргиза ҚОРАБОЕВА
тайёрлади

Ishonch 2009-yil 7-may
№ 55 (2624)

Шоир



Карел ЧАПЕК
(Чех адиби)

Айтарли фожиа ҳам эмас. Тонги соат тўртда Житной кўчасида катта тезликда келаётган машина сархуш кампирни уриб юборган ва яширинган. Ёш полиция нозири Мейзликка ана шу жиноятни очиш топширилган эди. Биласиз, ёш нозирлар ишга ўта масъулият билан ёндошадилар.

— Хў-ўш, — Мейзлик 141-рақамли миршабга юзланди. — Демак, ўзингиздан 300 метрча нарида шиддат билан қочаётган машинани кўрдингиз, ерда кампирнинг пажмурда гавдаси ётарди. Сиз энг аввал нима қилдингиз?

— Энг аввал жабрланувчининг ёнига югуриб бордим, — гап бошлади миршаб. — Унга биринчи тиббий ёрдам...

— Энг аввал машинанинг номерини кўриш керак эди, — унинг гапини шарт бўлди Мейзлик. — Кампир ўлса ўлиб кетавермайдими? Кейин кўрсатаверардингиз ўша ёрдамни... Шахсан мен шундай қилган бўлардим, — деди у қалам билан бош қашиб. — Демак, машина рақамини эслаб қололмадингиз. Бошқа бирор белги ёдингиздадир?

— Менимча, — ишончсизлик билан минғирлади миршаб, — машина тўқ рангли эди. Кўк бўлиб кўк эмас. Тўқ қизил ҳам эмасди. Дудқувуридан қуюқ тутун чиқиб турувди. Ҳеч нарсани кўролмадим.

— Ё раббий, — зорланди Мейзлик. — Энди машинани қандай топаман? Бир камим «кампирни сиз туртиб кетмадингизми?» дея ҳайдовчима-ҳайдовчи югуриб юришим қолувди-а, айтинг, биродари азиз, шунақа қилайми энди?

Миршаб итоаткорлик билан елка қисди:

— Ижозатингиз билан... мен яна бир гувоҳни қайд қилиб қўйганман. Лекин уям тайинли бирор нарсани билмайди. Нариги хонада ўтирибди.

— Олиб киринг, — тундлик билан буюрди Мейзлик ва протокол қоғозига кўз тикди. — Насабингиз, турар-жойингиз? — қуруқ оҳангда гувоҳни сўроққа тутди кейин.

— Кралик Ян, механика факултети талабаси, — бурро-бурро жавоб қайтарди йигит.

— Сиз тонгги соат тўртда номаълум машина Божена Махачковани уриб кетганини ўз кўзингиз билан кўрдингизми?

— Ҳа, шуни айтишим мумкинки, бу ерда айб юз фоиз ҳайдовчида. Ўзингиз ўйланг, кўча деярли бўм-бўш эди. Орқасида бирорта машина йўқ. Кампирни четлаб ўтса, ҳатто кескин тормоз берса ҳам бўларди.

— Сиз воқеа жойидан узоқдамидингиз?

— Ўн қадамча берида эдим. Мен шеригимни... кафедан олиб чиқиб, уйига кузатмоқчи эдим. Житной кўчасидан ўтаётиб...

— Шеригингиз ким эди? — яна гапни бўлди нозир.

— Шоир Ярослав Нерад, — соддаларча жавоб қайтарди гувоҳ. — Аммо ундан бирор гап олишингизга кўзим етмайди.

— Нима учун?

— Нима учунки... у ғирт шоир-да! Нуқул хаёл суриб юради. Ўша машъум ҳодисани кўриши билан йиғлаб юборди ва уйига чопиб кетди... Хуллас, биз Житной кўчаси бўйлаб кетаётганимизда орқадан яшин тезлигида келаётган машина охирги тезликда...

— Машинанинг рақами?

— Узр, эътибор бермабман. Мен фақат унинг юқори тезлигини кўриб ўзимча айтдимки, ҳозир...

— Қанақа машина эди? — одатича чўрт кесди Мейзлик.

— Ички ёнув двигатели бор эди, — эслашга тиришди талаба. — Аммо русуми эсимда қолмабди.

— Кузовнинг ранги қанақа эди? Машинада ким кетаётганди? Усти очиқмиди?

— Билмадим, — елка қисди гувоҳ. — Ранги қора эди-ёв. Умуман олганда, эътибор бермабман. Чунки воқеа юз берган заҳоти ғазабим қайнади, шеригимга қараб айтдимки, «Одамларнинг аблаҳлигини қаранг, уришга урдинг, энди лоақал тўхтаб ёрдам кўрсат».

— Ҳим-м, — норозилик билан афтини буриштирди Мейзлик. — Бундан ғазабланганингиз яхши. Аммо рақамни эслаб қолганингизда янада яхши бўларди. Одамларга ҳайронсан. Хулоса чиқаришга уста булар. Аммо эътибор масаласида... Майли, жаноб Кралик, сизни ортиқча ушлаб туролмайман.

Бир соат ўтиб 141-рақамли миршаб Ярослав Нераднинг эшигини чертиб турарди.

— Уйда, ухлаб ётибди, — дея жавоб қайтарди уй бекаси.

Ҳозиргина уйғонгани билиниб турган шоир мудроқ кўзларини ишқалаб, миршабга хавотир билан тикилди. Унинг миясида «нима гуноҳ қилдим экан?», деган ўй айланарди.

Миршаб уни нима учун чақиришганини бир амаллаб тушунтирди.

— Албатта боришим шартми? — қўрқа-писа савол ташлади шоир. — Барибир, ҳеч нарса эсимда қолгани йўқ. Мен бир шоир одам бўлсам. Кечаси озроқ...

— ...Тортгансиз, — дея гапни илиб кетди миршаб. — Сизга ўхшаган шоирларнинг кўпини танийман. Ичмаса илҳоми келмайди. Дарров кийиниб чиқинг, кутиб тураман.

Йўл-йўлакай улар қовоқхоналар, боғ-роғ, ўт-ўлан, қумурсқалар ҳақида гаплашиб боришди. Аммо сиёсатга тил тегизишмади. Улар полиция идорасига келгунча анча чиқишиб ҳам қолдилар.

— Шоир Ярослав Нерад ўзларими? — сўради Мейзлик. — Сиз номаълум автомобил Божена Махачковани қандай уриб кетганини кўргансиз.

— Ҳа, — хўрсинди шоир бошини қуйи солиб.

— Балки сиз айтарсиз қанақа машина эканини? Очиқмиди, ёпиқмиди? Ранги қандай эди? Ичида нечта одам бор эди? Рақами қанақа эди?

Шоир эслашга тиришди:

— Билмайман, — деди бўшашиб, — эътибор бермабман.

— Ҳеч бўлмаса, эсингизда қолган майда-чуйда гаплар бўлсаям айтаверинг.

— Айтдим-ку, умуман майда-чуйдаларга эътибор қаратмайман.

— Нимага эътибор қаратасиз ўзи? Эсингизда нима қолган? — истеҳзо билан сўради нозир.

— Хуллас, умумий кайфият, — мавҳум товушда деди шоир. — Анув, биласиз-ку, ўша узу-ун кўча... Тонг отиб келаяпти... Ва ерда аёл кишининг гавдаси ётибди... Тўхтанг! — шоир бирдан сапчиб тушди. — Ахир, мен бу ҳақда уйга келиб шеър ҳам ёзганман-ку.

У киссаларини кавлаштира бошлади. Аллақандай ҳисоб варағи, букланган, ғижимланган қоғозларни чиқариб қарай бошлади.

— Бумас, буяммас. Мана бу... Йўқ... А, мана, топдим, — у шундай дея эски конвертнинг орқа тарафига битилган қинғир-тоб ёзувларга мамнун кўз ташлади.

— Қани, бир кўрайлик-чи, — менсимайгина қўл узатди Мейзлик.

— Тўғриси, бундан ҳам яхши шеърларим кўп. Йўқ, сиз барибир тушунмайсиз, истасангиз, ўзим ўқиб бераман.

У кўзларини чала юмганча қироат билан шеър ўқишга тутинди:

«Саф тортган кулбалар боқар нигорон,
Тонг нафис торини чертарди унсиз.
Малак сочин ёяр Сингапур томон,
Сиз учқур тулпорда учиб ўтдингиз.

Тўзон ичра титрар афтода чечак,
Қатъият, эҳтирос ва эркдан холи,
Оққуш, оқ сийналар, ноғора, чўпак,
О, сиз қабоҳатнинг қаттол тимсоли!..».

— Бўлди, шу, — деди кейин шоир виқор билан.

— Кечирасиз-у, ҳеч балони тушунмадим, — ажабланди Мейзлик. — Ўзи бу шеърингиз нима ҳақда?

— Нимасига тушунмайсиз? Ўша нохуш воқеа ҳақида-да! Ростданам тушунмадингизми?

— Унчаликмас, — норозилик билан бош чайқади нозир. — Мен бу шеърингизда «Июлнинг 25-сида, эрталаб соат тўртда фалон рақамли фалон рангли машина маст ҳолатда кетаётган Божена Махачковани туртиб кетди, жабрланувчи фалон шифохонага олиб кетилди, унинг аҳволи жуда оғир» деганга ўхшаш гапларни учратмадим. Ахир, бунинг нимаси шеър?

— Сиз шунчаки ташқи фактларни, қуруқ воқеликни назарда тутаяпсиз, — бурнининг учини қашиди шоир. — Шеърият — қалб эҳтиёжи, ботиний ҳақиқат. Шеърият — шоир ички дунёсининг ёрқин лавҳалари. Бу ўқувчи қалбига кириб бориши мумкин бўлган манзаралар ва оҳанглар уйғунлиги, тушундингизми? — бўғилгудек бўлиб тушунтирарди шоир.

— Унда айтинг-чи... — Мейзлик ҳам бироз қизишиб кетди. — Илтимос, ўша варағингизни беринг. Мана, сиз айтаяпсиз, «Саф тортган кулбалар боқар нигорон». Бу нима деганингиз?

— Нимасига тушунмайсиз? Бу ўша Житной кўчаси. Икки тарафида қатор уйлар саф тортган.

— Бўпти-бўпти, энди буёғига қаранг, «Тонг нафис созини чертарди» Тонг нима созандами сизга тор чертиб берса, мантиққа қаранг-а? Уям майли, «Малак сочин ёяр...». Қанақа малак, қанақа соч?

— Сиз истиора, ташбеҳ деган нарсаларни тушунасизми? — тутақиб кетди шоир. — Тонг отаётганига ишора бу.

— Тавба, сочи бор тонгни энди эшитишим. Майли, «Сингапур томон сиз учқур тулпорда учиб ўтдингиз». Ким учиб ўтди? Тулпор қаердан кеп қолди?

— Энди бу тулпор дегани машина!

— Қанақа машина?

— Ўша... кампирни туртиб кетган машина.

— Тушунарли. Лекин Сингапур деганингиз... Нега энди Аргентинамас, Жазоир эмас-да, айнан Сингапур?

Шоир мужмал қиёфада бошини қийшайтирди:

— Билмадим, у ерда малайлар яшагани учун бўлса керак.

— Бу ўринда малайларнинг нима дахли бор? А?

Шоир довдираб қолди.

— Машина жигарранг эди шекилли, — деди бироз ўйлаб. — Шу ўринда қанақадир жигарранг ўхшатиш керак бўлган. Эсимга лоп этиб Сингапур тушиб қолган бўлса нима қилай.

— Хўш, — деди Мейзлик. — Демак, машинанинг ранги жигарранг бўлган демоқчимисиз? Бошқалар кўк, тўққизил, ҳатто, қора бўлганини айтишди.

— Мен рангларни яхши ажратаман, командир!

— «Тўзон ичра титрар афтода чечак», — шеърнинг давомини ўқишга тутинди нозир. — Менимча, бу ерда шўрлик кампирни таърифлагансиз?

— Қанақа кампир? — ранжиди шоир. — Ҳеч замонда кампирни ҳам чечакка ўхшатадими? Мен рулда ўтирган аёлни назарда тутганман.

— Оҳ-о! Унда мана бу нимаси: «Оққуш, оқ сийналар, ноғора, чўпак». Сиз айтган «манзаралар уйғунлиги» шуми?

— Қани, кўрай-чи, — ўзининг шеърига ишонқирамай бир қур кўз ташлаб олди шоир. — Ҳа, «Оққуш, оқ сийналар, ноғора, чўпак». Хў-ўш! Бу нима дегани?

— Менам худди шуни билмоқчиман, мавлоно! — заҳархандалик билан жилмайди нозир.

— Шошманг-да, — бир зум тафаккурга чўмди шоир, — бу ифодалар ўзича пайдо бўлмагандир. Менга улар ниманидир эслатаяпти. Айтинг-чи, икки рақами оққушга, тўғрироғи унинг бўйнига ўхшайдими? Мана қаранг, шундай деб ёзиб кўрсатди.

— Қойил, — кўзларини ҳайратдан пирпиратганча хитоб этди нозир. — Унда анови «сийналар»ингиз?..

— Бу уч рақамига ишора. Мана, қаранг, — шоир уч рақамини ёзди-да, ёнбошига ағдариб кўрсатди. — Қаранг, нимага ўхшайди? Қўш ҳандалакнинг ўзгинаси эмасми?

— Энди ноғора ва чўпак қолаяпти, — ҳаяжонини яширолмай қичқирди Мейзлик.

Нерад яна бироз ўйлаб, қоғозга нул ва бир рақамларини ёзди. Қоғозда 2301 сони ҳосил бўлди. Мейзлик рақамларга ҳайрат билан тикиларкан, шоирга юзланди:

— Сиз машинанинг рақами айнан 23-01 эканига ишонасизми?

— Рақам? — шоирнинг юзида ҳадик акс этди. — Мен ҳеч қанақа рақам-пақамни билмайман. Лекин... шунга ўхшаш нарсаларга кўзим тушган бўлиши мумкин. Акс ҳолда, бунақа деб ёзмаган бўлардим. Лекин ўхшатишлар зўр чиққан-а? Нима дейсиз?

Икки кун ўтиб, Мейзликнинг ўзи шоир Нерадни йўқлаб келди. Бу гал шоир уйғоқ эди. Унинг ёнида аллақандай чиройли қиз ҳам ўтирарди. Шоир нозирни ўтқазиш учун типирчилаганча стул қидириб қолди.

— Мен ҳозир кетаман, — деди Мейзлик уни хижолатдан қутқариш учун. — Битта гапни айтиб қўйиш учун кирувдим. Машинанинг рақами чиндан ҳам 23-01 экан.

— Қанақа машина? — паришонхотирлик билан сўради Нерад.

— «Оққуш, оқ сийналар, ноғора, чўпак...», — иқтибос келтирди нозир. — Сингапур борасида ҳам ҳақ экансиз. Машина жигарранг бўлиб чиқди. Ҳайдовчиси ҳам аёл киши экан.

— Шунақами? — камтарона илжайди шоир. — Ана, ботиний ҳақиқат деганим шу бўлади. Хоҳласангиз, яна икки-учта зўр шеърим бор, ўқиб бераман. Эшитинг.

— Бошқа сафар, — жавоб беришга ошиқди полиция нозири. — Яна худди шундай воқеа юз бериб қолса, шеърингизни албатта эшитаман!

Рустам ЖАББОРОВ
таржимаси



Вақт: Одам. Маром.

1

«Одам вақт исканжасида». Яқинда «Ҳуррият» газетасида эълон қилинган вақт ҳақидаги эссенинг сарлавҳаси шундай эди. Демак, матн вақт ва одам ҳақида бўлиши керак. Сарлавҳага кўра, инсон вақтнинг ичида. Мен ҳозир кундузги соат 11.50 да кутубхонадаман, сиз эса худди шу куннинг шу пайтида бошқа жойдасиз. Бир неча соат ўтиши билан **БУГУН** тугайди. Соат миллари яна янги куннинг вақтини кўрсата бошлайди. Шу тартибда, олайлик, йил ўтади. Бу ҳамма учун бирдек тегишли, таъбир жоиз бўлса, умумий вақт. Инсон ана шу вақтнинг ичи (исканжаси)да. Лекин ҳар бир одамга алоҳида тегишли бўлган вақт тушунчаси ҳам бор. Буниси энди инсоннинг (нима десак экан) ичидаги вақт бўлади...

2

Одамнинг ичидаги вақт (албатта, бу сўз анчайин нисбий)ни қуйидагича тушунтириш мумкин: футбол майдони. Ўйин бошланиш арафасида. Ўриндиқлар томошабинга тўла. 30 мингга яқин. Ўйин 17:50 да бошланади. Ҳакам ўйин бошланганини билдириб ҳуштак чаларкан, соатига қараб қўяди. 17:50, 17:51, 17:52... Ана шу вақтнинг ўтиши 30 мингга яқин томошабинга ҳам тегишли бўлади. Аниқроқ айтганда, ҳар битта мухлис биринчи бўлим тамом бўлгунига қадар 45 дақиқадан вақт сарфлайди. Шундай қилиб, мантиққа асосан ҳисобланганда, ўйин майдонида сарфланган умумий вақт тахминан 30.000 х 90 = 2.700.000 дақиқа бўлади.

3

«Умрингни бекорга ўтказма», «Вақтингни беҳуда сарфлама».

Бизнингча, ушбу икки таъкидга маъносидан келиб чиқиб икки хил ёндошиш тўғрироқ бўлади. Биринчи таъкидда вақт тушунчаси моҳиятан мавжуд бўлса-да, инсон умрининг мазмунли бўлиши учун бирон фойдали иш билан шуғулланишга даъват асосий ўринга чиқади. Иккинчи таъкиддаги «беҳуда» эса муайян даражада бирон мақсад билан боғлиқ. Биринчи таъкиддаги «умр» вақтнинг номаълум ўлчами. Бу кўпроқ юқорида айтиб ўтганимиз «инсоннинг ичидаги вақт» мазмунига яқинроқ.

Одам шакллана туриб, айтайлик, ўз ҳаётини бошларкан, қандайдир мақсад(лар) га интилади. У ана шу мақсад(лар)ини амалга ошириш ёки ошира олмаслик жараёнида ВАҚТнинг АҲАМИЯТИни ўзи учун белгилаб боради. Афтидан, одамнинг вақт ҳақида қандайдир мулоҳазаларга кела бошлаши ҳам айнан унинг МАҚСАДи билан боғлиқ бўлган. Одамнинг илк авлодлари энди-энди деҳқончилик билан шуғуллана бошлаганда фаслларни белгилай бошлаганини эсланг. Дастлабки соатлар (вақтнинг кичикроқ, аниқроқ ўлчами) ҳам муайян мақсадларга боғланадиган эҳтиёжлардан кейин яратилгани шубҳасиз.

Демак, энди одамнинг вақти ва мақсадлари хусусида гаплашамиз.

Балиқ тутиш учун сув бўйида ўтирган кишининг қармоғига ўлжа илингунга қадар ўтган қанчадир дақиқаларнинг қандайдир сонияларида дарёнинг нариги қирғоғидаги халқаро спорт майдонида кимдир қисқа масофага югуриш бўйича жаҳон биринчилигини қўлга киритиши мумкинлигининг ўзиёқ бу ҳақидаги мулоҳазалар характери ҳамда кайфиятини белгилаб бера олади. Буни яна қуйидагича изоҳлаш ҳам мумкин: бирор бир бадиий асар, масалан, Лев Толстойнинг «Анна Каренина»сини ўқиб чиқишга сарфланган вақт билан параллел равишда сермижоз раста сотувчиси аллақанча маблағни кассага тушириши ҳам мумкин. Бу эса одамнинг мақсад ва вазиятдан келиб чиққан ҳолда, вақтга муносабат билдиришидаги меъёрларни янада равшанлаштиради. Ва, албатта, айтиб ўтилган мақсадларнинг фойдалилик коэффицентига кўра белгилайдиган умумий ўлчамлар мавжуд эмас, қолаверса, бу ҳаракатларни баҳолайдиган мезонлар ҳам турлича. Вақт аниқлигига келганда, спортчи ва сотувчи етакчи кўрсаткичларни қайд этадиган радифлар ҳам асарда муайян ритмни сақлаб туришга хизмат қилиши маълум. Ушбу ритм шаклини, мисол учун, туянинг ўркачлари каби ёйиқ тўлқинли чизиқда белгилаш мумкин бўлса, дискотека клубларидаги ўйинлар ритмининг шакли қисқа тўлқинли чизиқни эслатади. Айтайлик, ўрта асрлар санъатида ўзининг юқори чўққисига чиққан МАРОМ бугун дунё миқёсида шаклланаётган муайян маромдан фарқ қилади. Айтиб ўтганимиздек, ушбу ритмлар муайян замон-макондаги аксарият одамларнинг руҳий ҳолатини бирлаштириб туради. Бу ўринда гап фақат мусиқа маромида эмас. Чунки қўшиқда сўзнинг айтилиши ҳамда маъно маромлари бор. Замонга хос, айтайлик, рэп йўналишида ижро этилган қўшиқдаги ана шу маром (қисқа тўлқинли чизиқ)ларга кўникаётган ўсмир тарихан шаклланиб келган маром (ёйиқ тўлқинли чизиқ)ларга осонликча кўника олмайди. Бундан ташқари, замонамиз руҳи акс этаётган муайян маромлар бугун одам кўпроқ боғланиб турган ахборот воситаларидаги асосий маромлар ҳисобланади. Одам яқин-яқингача вақтдан янада унумли фойдаланиш мақсадида кашф қилган воситалар характери ҳам худди ўша тезликка таянади.

Замонавий маънавият... Оммавий маданият... Ритм...

Бироқ энди шу ўринда жиддийроқ савол: Фикрлаш тушуниш...ларда ҳам муайян даврларда муайян ритмлар бўлиши мумкинми?..

5

Одамнинг вақтга муносабати натижаси ўлароқ глобализм тушунчаси пайдо бўлди. Ҳар қандай ижтимоий-руҳий муносабатлар ҳам тезлашди. «Ҳаловат», «хотиржамлик» каби залворли сўзларни ҳозир деярли ҳеч ким талаффуз қилмайди. Катта йўлда серқатнов машиналар бири қўйиб, бири олдинга интилади. Бирон машинани қувиб ўтган иккинчиси кўчанинг бошида кўзга зўрға ташланаётганларга қараганда, барибир, орқада. Улар ҳам ўз навбатида... Бир журналист тўғри айтади: «мана сизга жараён!» Қўл соатимга қарадим: у ҳеч зоғ йўқ жойда қандай ишласа, шундай чиқиллаяпти: ўзгариш йўқ. Таъбир жоиз бўлса, газ босаётган фақат ОДАМ. Вақт сониянинг 100 дан, балки 1000 дан биригача майдаланди. Бу одамнинг руҳий аҳволи ўзгариб бораётганининг сабаби ва оқибати ҳам бўла олади. Ва бу ўринда «яхши» ва «ёмон» тушунчаларини изоҳлайдиган ҳар қандай ёндашув имкониятдан ташқарида.

Энди Жан Поль Сартр «Девор» ҳикоясида келтиргани — тонг отиши, тўғрироғи, зах деворнинг тор тирқишидан нур ўтиши бироз ётган бўлиб чиқади, негадир.

4

Ҳар бир одам вақтни ўзида турлича қабул қилади, кечиради, тушунтиради... Бироқ одамларга таъсир этувчи омиллар умумий бўлган маконда яшаётганлар кайфиятида ўзаро яқинлик, мувофиқлик бўлиши табиий. Демоқчимизки, уруғ жамоасида қуёшга ёки ўрта асрларда қум соатга қараб ҳаракат қилган одам аждоди билан сониянинг ўндан бир улушини ҳам аниқ кўрсатадиган қўл соати тақаётган одам авлодининг, умуман олганда, руҳий ҳолатида жиддий тафовутлар ўзига хос характерли жиҳатлар борлигини инкор этиб бўлмайди. Одамийликни белгилаб берувчи омиллар сон-саноқсиз бўлгани туфайли бу тўғрида математик аниқлик билан хулоса айтиш бир қадар қийин. Шунга қарамай, замон ва маконга боғлиқ инсоннинг руҳий ҳолатидаги ўзига хосликлар аниқроқ даражада акс этадиган воситаларда акс этиши керакдек. Буни қуйидагича тушунтирса бўладиганга ўхшайди: Дискотека клуби. Турли хил ранглардаги хира чироқлар тез-тез ёниб ўчаверади. Сўзлари тушунарсиз баланд мусиқали тезкор қўшиқ. Ашула ўйноқилигига монанд ҳаракатлар билан ўйинга тушаётган юзга яқин ўғил-қизлар. Бири бетиним диркилласа, яна бири ғалати овозда қичқиради. Уларнинг ҳаракатлари ва руҳий ҳолатлари ўзаро айнан бўлмасада, кўп жиҳатлари билан ўхшаш. Ана шундай шароит (ҳолат)га нисбатан биз ҳозир айтмоқчи умумий маром, яъни РИТМ тушунчасини қўлласа бўлади.

Энди бирон миллий рақсимизни кўз олдингизга келтиринг. Унда бир гуруҳ раққоса айнан бир хил ҳаракатларни бир пайтда амалга оширади ва ўзига хос ритмни юзага келтиради. Ғарб мумтоз мусиқаларидаги ритм буларни такрорламаган ҳолда бошқачароқ. Бундай маромларни санъат, хусусан, шарқ мумтоз адабиётида янада аниқроқ пайқаш мумкин. Масалан, ғазал жанрида фаол лан маҳбусни ўлим жазосини ижро этиш учун силкилаб-силкилаб олиб кетадиганларнинг қадам товушларини эшита бошлашидаги аҳволини тушунишга қийналиб, уни эртанги воқеага руҳий жиҳатдан тайёрлаш мақсадида, ялтоқилик қилаётган шифокорнинг кўзларига қараган кўйи пешонаси ва қулоғининг қаеридандир оқаётган совуқ терни артиб улгуролмаётган тутқунни қандай тушуниш керак?..

Биз ўтиб бораётган кўчадаги воқелик билан ҳозирги жараён орасида вақтнинг исталган ўлчами ва маъносида жиддий фарқлар бор, албатта.

6

«Вақтнинг бесамар ўтмаслиги» ва «умрнинг маъноли бўлиши» — ВАҚТга ОДАМ орқалигина тегишли. Ҳозирги ижтимоий муносабатларнинг аксарияти аниқ ҳаракатлар эвазига одамдан умумий вақт ичида доимий бўлишни тақозо қилади. Бироқ инсон онгидаги сон-саноқсиз истак, айтиш шарт бўлса, «қайтиш»лар-у «кетиб қолиш»ларнинг ВАҚТга урилиши туфайли вақт ўзининг одамга боғлиқ маъноларига айланиб тургандек, назаримизда. Негадир, мана бу ҳисоб-китобни сиздан яширгим келмади: туғилган кунимдан кейин 8692 кун ўтибди. Соатга айлантирсак: 208608. Энди дақиқага: 125164180! Сония-чи?!. Қолганига юрагим чидамаяпти. Ҳар ҳолда, секундомерга қараб яшаш одамнинг қўлидан келмаса керак...

Қанчадир вақтингизни олганим учун узр сўраганим билан ўтган дақиқаларингиз қайтиб келмаҳ экан. Аммо, барибир... кечирасиз!

Тўлқин ТЎРАХОНОВ,
ЎзМУ магистранти


Белбоғли кураш

Маълумки, октябр ойида пойтахтимизда белбоғли кураш бўйича жаҳон чемпионати ўтказилади.

2004 йилдан буёнги чемпионлар белбоғли курашнинг (борьба на поясах) эркин ва классик йўналишларида аниқланган бўлса, бу галгиси миллий қадриятимиз ҳисобланган белбоғли кураш номи ва қоидалари остида ҳамда унинг эркин йўналиши бўйича сараланади.

Яқинда Фарғона Олимпия захиралари коллежида ташкил этилган Ўзбекистон чемпионатида эркаклар еттита, аёллар эса бешта вазн тоифасида гиламга чиқдилар.

ЖАҲОН чемпионати олдидан



Белбоғли кураш бўйича қуйидаги полвонлар шоҳсупадан жой олди: 60 кг. Сайдулла Нурматов (Фарғона).

66 кг. Қодир Умирзоқов (Фарғона).

73 кг. Рустам Умаров (Наманган).

81 кг. Искандар Маҳаматов (Тошкент).

90 кг. Ойбек Бердимуродов (Жиззах).

100 кг. Ҳамза Маматов (Тошкент).

+100 кг. Шуҳрат Бозоров (Наманган).

Аёллар. Белбоғли кураш.

48 кг. Гулноза Исманова (Андижон), 52 кг. Замира Аҳмедова (Хоразм), 57 кг. Гулхумор Дадабоева (Андижон), 63 кг. Наргиза Ҳамдамова (Андижон), +63 кг. Саҳобат Шералиева (Фарғона).

Эркин йўналиш. 52 кг. Дилафрўз Усмонова (Фарғона), 58 кг. Гулҳаё Пармонова (Самарқанд), 66 кг. Зарнигор Абдураҳмонова (Андижон), 74 кг. Гулмира Исматова (Самарқанд), +74 кг. Саҳобат Шералиева (Фарғона).

Эркаклар, эркин йўналиш.

60 кг.Бахтиёр Турғунпўлатов (Наманган), 66 кг. Жаҳонгир Абдулҳаев (Наманган), 73 кг. Обидали Мавлонов (Фарғона), 81 кг. Зоҳид Ортиқов (Тошкент), 90 кг.Нуриддин Маҳаматов (Тошкент), 100 кг. Муҳиддин Ашуров (Андижон), +100 кг. Нуриддин Fозиев (Наманган).

Биз Ўзбекистон белбоғли кураш федерацияси президенти Рустам Исоқовни суҳбатга тортдик.

— Мамлакат чемпионатида Рустам Умаров, Зоҳид Ортиқов каби жаҳон чемпионларининг ва бир қатор совриндорларнинг иштирок этиши баҳсларга файз киритди. Қолаверса, вилоятлардаги Олимпия захиралари коллежларида ҳам кўплаб иқтидорли полвонлар камолга етаётганини кўрдик. Юртимизда уч босқичли спорт мусобақаларининг ўтиши ҳам белбоғли курашнинг ривожига катта ҳисса қўшяпти. Ўзбекистон чемпионатида юқори ўринларни эгаллаган полвонларимиз 10-28 май кунлари Андижон шаҳрида ўқув-машғулот йиғинини ўтказишади.



Футбол

Осиё Чемпионлар лигаси гуруҳ босқичининг 5-турида Саудия Арабистонининг Даммам шаҳрида «Ал-Иттифоқ» меҳмони бўлган «Бунёдкор» кутилмаганда йирик ҳисобда мағлубиятга учради.

Умид Тошкентдаги учрашувдан



Гуруҳнинг ҳал қилувчи учрашуви сифатида эътироф этилган ушбу баҳсда иккала жамоага ҳам ғалаба жуда муҳим эди.

Аммо аксига олиб, шу куни «Бунёдкор» ҳимояси жуда бўш ўйнади. Хайрулла Каримовнинг хатосидан унумли фойдаланган Принс Таго Бугалони алдаб ўтиб, тўпни дарвозага йўллади. Ҳужумкорликни кучайтирган «қалдирғочлар» 38-дақиқада иккинчи голни ҳам ўтказиб юборишди. Бу сафар ҳам гол муаллифи яна ўша Принс Таго.

Иккинчи бўлимда Андоне шогирдлари Павел Бугало дарвозасини яна икки бор ишғол этиб, ҳисобни йирик кўринишга келтирди.

Гуруҳнинг сўнгги – 6-турида «Бунёдкор» ўз майдонида Бирлашган Араб Амирликларининг «Ал-Шабаб» клубини қабул қилади. Ушбу баҳсдаги дуранг натижа ҳам тошкентликларнинг 2-ўринни қўлга киритиши учун кифоя қилади.

Водийликлар зафари

Фарғонанинг «Нефтчи» клуби ОФК Кубогининг 5-турида «Ал-Ахад»ни қабул қилиб, 2:1 ҳисобидаги муҳим ғалабага эришди.

Ўйин Юрий Саркисян шогирдлари учун омадсиз бошланди. 5-дақиқада Ўзбекистон миллий терма жамоаси ҳимоячиси Ислом Тўхтахўжаев жарима майдони ичида тўпни қайтармоқчи бўлиб, уни ўз дарвозасига жойлаб қўйди. Шундан кейин ҳисоб янада йириклашиши мумкин эди. Лекин бразилиялик Жуниор да Сильванинг зарбаси дарвоза устунига тегиб қайтди.

Ҳайриятки, майдон эгалари ўзларини йўқотиб қўйишмади ва биринчи бўлим ниҳоясида барибир ниятларига етишди. Жамоа сардори Мансур Саидов томонидан «ишланган» пенальтини Азиз Алижонов пастлатиб марказга йўллашга қарор қилди ва янглишди. Лекин Алижоновнинг ўзи дарвозабондан қайтган тўпга биринчи бўлиб етиб келди ва мувозанатни тиклади.

70-дақиқада Алишер Холиқов томонидан узоқ масофадан йўлланган зарба бир қанча рикошетлардан кейин ёш ҳужумчи Сардор Мирзаевга келиб тушди ва у ортиқча қийинчиликсиз тўпни дарвозага тўғрилаб қўйди – 2:1.

Гуруҳнинг иккинчи учрашувида «Бусайтин» аутсайдер «Ал-Тилол»ни қабул қилиб, 3:0 ҳисобида ғалабага эришди. Турдаги ғалабадан кейин «Нефтчи» футболчилари турнир жадвалининг иккинчи поғонасида боришмоқда.

Сўнгги тур, 19 май
«Ал-Тилол» – «Нефтчи»
«Ал-Аҳад» – «Бусайтин»

УниВерсал жанг

22-24 май кунлари пойтахтимиздаги «Универсал» спорт мажмуасида универсал жанг бўйича Осиё чемпионати бўлиб ўтади.




Унда қитъамизнинг 12 та давлатидан терма жамоалар иштирок этиши кутилмоқда.

Бу универсал жанг бўйича Осиё чемпионатининг юртимизга учинчи «ташрифи» ҳисобланади. Шунингдек, 2007 йилда Тошкент шаҳрида спорт тури бўйича жаҳон чемпионати ҳам юқори савияда ташкил этилганди.

Ривожланиш юқори

Осиё универсал жанг федерацияси президенти Сардор Тошхўжаев (Ўзбекистон) қуйидагиларни гапириб берди:

—Ўзбекистонда универсал жанг бўйича жаҳон ва қитъа чемпионлари кўп. Республика универсал жанг федерацияси президенти Ғулом Имоназаров барча вилоятларда спорт турини ривожлантиришга катта эътибор қаратяпти. Спортчилар орасида рақобат кучли. Шу кунларда Абдулла Кўчмуродов бош мураббийлик қилаётган терма жамоа Тошкент вилояти Бўстонлиқ туманида ўқув-машғулот йиғини ўтказмоқда. Ўзбек универсал жангчиларнинг ғалабага бўлган интилиши юқори.



Янгилик

Пенчак силат нима?



Юртимизда бир қатор шарқ яккакурашлари ривожланяпти.

Яқинда эса Ўзбекистонда Шарқ яккакурашлари ва жанг санъатини ривожлантириш маркази кўмагида республика «Пенчак-силат» спорт клуби ҳам иш бошлади. Ушбу спорт тури Жанубий шарқий Осиёда анча тараққий этган бўлиб, 80-йиллардан турли мамлакатларда «Пенчак-силат» федерациялари фаолият кўрсата бошлади.

Янги атаманинг луғавий маъносига эътибор қаратсак, пенчак — бу ҳимояланиш учун тана ҳолатини маҳорат билан ўзгартириш маъносини берса, силат — ундан жанговар фойдаланиш демакдир. Мутахассислар «пенчаксиз силат бўлмайди, пенчак эса силатсиз бефойдадир», дея таъриф беришади.

Бугунги кунда спорт тури бўйича 40 дан зиёд давлатда миллий федерациялар иш олиб боряпти.

Яқинда Халқаро пенчак-силат федерацияси бош ижрочи директори Аловуддин Якуб Марикан бошчилигидаги мутахассислар юртимизга ташриф буюриб, спортчи ва мураббийларимизни унинг қонун-қоидаларидан бохабар этишди.

Ортда қолган олти ой мобайнида Тошкент шаҳри, Тошкент Сирдарё, Фарғона вилоятлари ҳамда Қорақалпоғистон Республикасида янги спорт тури бўйича машғулотлар йўлга қўйилди.

Баҳодир Азизҳожиев республика «пенчак-силат» спорт клуби президенти ҳисобланади.

Яқинда пойтахтимиздаги «Шифокор» спорт мажмуасида Тошкент шаҳар биринчилиги бўлиб ўтди ва унда 150 нафардан ошиқ яккакураш усталари ўз вазн тоифаларида ғолиблик учун баҳс олиб борди.



Спортчилар «пенчак-силат» сир-асрорларини пухта ўзлаштираётганини намойиш этиб, ишқибозлар олқишига сазовор бўлишди.

Шу кунларда Ўзбекистон терма жамоаси ёз фаслида Таиландда ўтадиган биринчи яккакурашлар бўйича Осиё ўйинларига ҳозирлик кўрмоқда. Жамоа асосий таркибидан Шаҳноза Хўжаниёзова, Нодира Казакова, Зарина Аҳмедова, Жамол Салимжонов, Муҳаммадали Тоштурғунов, Бахтиёр Норов каби спортчилар ўрин олишган.

Саҳифани Акмал АБДИЕВ тайёрлади



Тўйдаги фожеа

5 май куни Туркиянинг жануби-ғарбидаги Билга қишлоғида никоҳ тўйи пайти оммавий қотиллик юз берди. Мардин вилояти ҳокими вакилининг айтишича, хунрезликка қишлоқнинг икки уруғи ўртасидаги адоват сабаб бўлган.

Айни пайтда, Туркия ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари 44 кишининг умрига зомин бўлган 10 кишини ҳибсга олган, шундан 8 нафарига айблов эълон қилинган. 2 киши сўроқ қилинаяпти.

«Hurriyet» газетасининг хабар беришича, ҳалок бўлганларнинг 17 таси аёллар (3 нафари ҳомиладор бўлган), 6 таси болалардир. Келин-куёв ва уларнинг ота-оналари ҳам ўлдирилган.

Ҳозирча, қамоққа олинганларнинг номлари ошкор қилинмаяпти.



Давлат дастурининг самараси

Апрел ойида Германияда автомобилларга бўлган талаб ўтган йилнинг шу давридагига нисбатан 19,4 фоиз ошди — 380 мингта машина сотилди. Бу ҳақда «Reuters» агентлиги хабар тарқатди.

Таққослаш учун айтиш керакки, апрелда бу кўрсаткич Европанинг йирик давлатларидан бўлган Францияда 7 фоиз, Италияда 7,5 фоиз, Испанияда эса 45,6 фоиз камайган.

Экспертларнинг фикрича, Германияда автомобилларга талабнинг ошиши мамлакат автопаркини янгилаш бўйича давлат дастурининг самарасидир. Ушбу дастур доирасида янги машина олаётганларга 2500 евро миқдорида субсидия берилади. Бунинг учун давлат 5 млрд. евро маблағ ажратган.

Кимга орол керак, марҳамат...

Индонезия таркибига 18 мингтага яқин орол киради. Шундан мингтасида одам яшайди.

«The Jakarta Post» газетасининг сешанба кунги сонида ёзилишича, Индонезия ҳукумати мамлакатга қарашли ролларнинг бир қисмини глобал исиш туфайли сув остида қолиб кетиши кутилаётган кичик орол-давлатларга сотиш масаласини кўриб чиқаяпти. Тегишли идораларнинг ходимлари Индонезия президенти Сусило Бамбанг Йудҳойоно билан маслаҳатлашиб олганидан сўнг бу масала узил-кесил ҳал қилинади.

Яқин юз йил ичида ҳудудини буткул сув босиши мумкин бўлган кичик давлатлардан бири Малдив ролларидир. Айни пайтда, ушбу давлат ҳудудининг катта қисми денгиз сатҳидан атиги 1,5 метр баландда жойлашган. 2008 йили мамлакат ҳукумати аҳолини астасекин кўчириш учун бошқа давлатлардан ер сотиб олиш нияти борлигини маълум қилган эди.





Хорватияда янги қонун кучга кирди


Кечадан бошлаб Хорватияда жамоат жойларида сигарет чекишни таъқиқловчи қонун кучга кирди. Бу мамлакатнинг 2011 йили Европа Иттифоқига кириш учун кўраётган чораларидан биридир.

Янги қоидаларга кўра энди барларнинг фақат очиқ балконида чекиш мумкин. Ресторанларда эса чекиш учун алоҳида хоналар ажратилади. Бундай жойларда таом ва ичимликлар берилмайди.

Умумий овқатланиш жойларида чеккан жисмоний шахслар 2100 еврогача, тадбиркорлар эса 21000 еврогача жарима тўлайди.

Ҳозир мамлакат аҳолиси 4,4 млн. киши бўлса, шунинг 68 фоизини чекмайдиганлар ташкил этади. Хорватия соғлиқни сақлаш вазирлиги вакилларининг таъкидлашича, чекишга қарши кураш чораларининг кучайтирилиши айнан шу тоифадаги фуқароларнинг манфаатини ҳимоя қилишга қаратилган.

Хорватияда ҳар йили 10 минг киши кашандаликнинг қурбони бўлади. Шу боис илгарироқ таълим ва соғлиқни сақлаш муассасаларида сигарет чекиш ман қилинган.



Инсон қадрига осмондан назар

Афғонистоннинг ғарбида 5 май куни 30 дан зиёд тинч аҳоли вакили жангариларга қарши курашаётган АҚШ ҳарбий авиацияси ҳужумининг қурбони бўлди. Бу ҳақда «France-Presse» агентлиги мухбирига Фарах вилояти полицияси бошлиғи Абдулғаффор Ватандор маълум қилди.

Тинч аҳоли вакилларининг ҳалокати ҳақидаги хабар АҚШ президенти Барак Обаманинг Афғонистон ва Покистон президентлари Ҳамид Карзай ва Осиф Али Зардорий билан учрашуви арафасида пайдо бўлди. Вашингтонда учала президент Толибон ҳаракатига қарши кураш истиқболини муҳокама қилишади.


Таъкидлаш жоизки, Фарахдаги ҳодиса бу турдаги биринчи воқеа эмас.

Сўнгги нокаут

30 апрел куни 55,3 кг вазн тоифасида Далласда бўлиб ўтган жангнинг 8-раундида америкалик боксчи Эл Сигер мексикалик Бенхамин Флоресни нокаутга учратиб, ғалаба қозонган эди. Матчдан сўнг маҳаллий касалхонага ётқизилган Флорес 5 май куни вафот этди. 24 майда у 25 ёшга кирарди.

Боксчининг ўлими сабаби ҳозирча маълум қилинмаяпти.

Профессионал рингда Флорес 23 та жанг ўтказиб, 19 тасида ғолиб чиққан (6 та нокаут), 4 тасида мағлуб бўлган (2 та нокаут).




Талаб қондирилади

Болгария ҳукумати Европа Иттифоқининг талабига биноан Родопи тоғида, Смолян вилоятида қурилаётган йирик тоғ-чанғи курорти лойиҳасини қайта кўриб чиқади. «Property Wire» сайтида ёзилишича, бунга экологларнинг норозилиги сабаб бўлди.

30 дан кўпроқ экологик ташкилот курорт қурилишига қаршилик кўрсатишга келишиб олди. Чунки, экологларнинг фикрича, унинг бир қисмини муҳофаза қилинадиган ҳудудда қуриш режалаштирилган, бунинг устига қурилиш минтақанинг биохилмахиллигига зарар етказади.

«Super Perelik» курорти лойиҳасида 20 минг номерли меҳмонхоналар, 8 минг автомобилга мўлжалланган паркинглар, 200 километрлик чанғи трассасини қуриш кўзда тутилган.




Интернет хабарлари асосида Ҳасан НИШОНОВ тайёрлади


Ishonch 2009-yil 7-may
№ 55 (2624)

Кулинг, умрингиз узаяди

Агар ҳинд фильмининг бошланишида деворда милтиқ осиғлиқ турган бўлса, кино сўнгида у қўшиқ айтиб рақсга тушади.



Изоҳи сиздан...



Танишмади, кулдирдим
Акам-укам, ошнамни.
Энди ечиб ташлайман,
Бошимдаги маскамни.

* * *

Тезкорликдан ҳамманинг,
Кўнгли завққа тўляпти.
Фавқулодда вазият —
Машғулоти бўляпти.

* * *

Афандининг ишини
Қаранг, у ҳам қиляпти.
Бошда туриб қалпоғи,
Қопдан хўп қидиряпти.

* * *


Соч тўкилди ўйланиб,
Севгимдан ҳеч қайтмайман.
Дардимни шу қопчадан,
Бошқасига айтмайман.

Асадулло МИРЗААКБАРОВ,
«Ҳамкорбанк» ОАТБ бирлашган касаба уюшмалари қўмитасининг раиси

Сочим бошни тарк этди,
Қурғур қайга йўқолди.
Халта ичидамикан,
Топдим, шу ерда экан.

Олиб бошга қўндирай,
Йўқ жойини тўлдирай.
Келин бўлмуш кўрмасин,
Тепакал деб кетмасин.

Жавлон ШАРАПОВ,
«Мадад» суғурта агентлиги касаба уюшма раиси



Энди навбатдаги суратга изоҳ топинг-чи?

Икки дўст ҳасратлашмоқда:

— Фолбинларга ишонасанми?

— Йўқ.

— Нега?


— Ўтган куни биттасиникига бориб, эшигини қоқсам, ичкаридан бир пайтавақулоқ «Ким у?» деса бўладими?

— Windows ва хотин ўртасида қандай фарқ бор?

— Ҳеч қанақа!

— Нега энди?

— Чунки, иккови ҳам тонналаб кераксиз ахборотни тақдим этади-ю, кундек равшан нарсани уч марталаб қайта сўрайверади-сўрайверади.






Рассом: Хусан СОДИҚОВ

Иккита «пишиққина» момоқаймоқ чақчақлашмоқда:

— Уйимга ўғри тушмаслиги учун радионо қўйиб кетаман.

Иккинчи кампир:

— Мен эса эшигимизга, «Ўғлим, илонларинг қафасдан чиқиб кетди, ҳаммасини тера олмадим. Ўзинг йиғиштириб қўй», — деган ёзувни илиб кетаман.



ДАН ходими ҳаддан зиёд тез келаётган машинанинг йўлини тўсди.

— Қаёққа бунча шошаяпсиз?

Ҳайдовчи тоқатсизланди:

— Уйга-уйга. Дўстлар билан янги йилни нишонлаб, анча қолиб кетибман. Хотиним хавотир олаётган бўлса керак!

— Эсингиз жойидами? Ҳозир майку?!

— Шунинг учун ҳам шошаяпман-да!

Бир одам дўхтир ҳузурига ваҳима билан келди:

— Эшшакдек ишлайман, чўчқадек овқатланаман, итдай чарчайман, нима қилсам бўлади-я, дўхтир?!.

— Ветеринар кейинги хонада ўтиради.

Лобар онасидан сўрабди:

— Ойижон, ризқимизни Худо берадия?!

— Ҳа, қизим!

— Чақалоқларни лайлак олиб келади-я?!

— Тўғри!

— Янги йилда совғани Қорбобо келтирадия?!

— Худди шундай!

— Унда дадамизнинг нима кераги бор? Ҳайдаб юборайлик!



Қиз йигитини ота-онаси билан таништириш учун уйига олиб келибди:

— Ойи, танишинг, бу Эшчик!

— Нима-нима?..

— Эшматжо-о-о-о-н! Сизлар гаплашиб туринглар, мен нонушта тайёрлайман...

Йигит худди ўз уйидагидек ялпайиб ўтириб олибди:

— Салом! Мен Эшматман..

— Жуда хурсандман.

— Уйларингиз совуқ экан...

— Кел, яқинроқ ўтир...

— Печкагами?

— Йўқ, экскаваторга!

— Айтмоқчи, манави шоколад ва шампан сизга!

— Раҳмат, раҳмат! «Зачётка»нгизни беринг! Вой, кечирасан, ўғлим, мен институтда дарс бераман. Одатланиб қолганман. Ҳе-ҳе-ҳе... Хўш, гапир, тўйга пулинг борми?

— Ҳозирча тўй қилмоқчи эмасмиз...

— Бобом ҳам ўлмоқчи эмасди... Хўб, ойинг ким бўлиб ишлайди?

— Ишсиз.

— Отангчи?

— У ҳам ишсиз.

— Демак, битта ташкилотда ишлашаркан-да. Ойингнинг ойлиги қанча?

— Ҳеч қанча?

— Нима?! Бир ойда шунча оладими? Бўпти, мен ошхонага ўтиб, қизимга ёрдам бера қолай. Сен эса, мана, отаси билан гаплашиб тур.

Ота тушмагур гапни узоқдан бошлади:

— Армияда хизмат қилганмисан?

— Йўқ.

— Касалмисан, ё ўқийсанми?

— Ўқийман.

— Баракалла! Қаерда?

— Мактабда...

— Ҳеч маст бўлганмисан?

— Йўқ.

— Қизим чиройлими, сенга ёқадими?

Куёв бўлмиш ўнғайсизланган бўлади:

— Ҳа!

Ота эса жаҳл билан тиззасига шапатилайди:

— Бу киши яна ичмаган эмиш!

Врач беморга жой кўрсатди:

— Марҳамат, ўтиринг. Нима безовта қиляпти?

— Дўхтир, шундай муаммо пайдо бўлди: мен жуда кўп гапираман, лекин ҳамма мени индамасликда айблайди. Масалан, яқинда дўстимнинг тўйида ҳамма навбати билан келин-куёвни табриклади. Менга ҳам сўз беришди. Қўлимга қадаҳ олиб, уларни табриклаб, ўрнимга ўтирдим. Анча ўтиб дўстим: «Гирт муттаҳам экансан, тўйда сенга сўз берилгач, ўрнингдан туриб, атрофга аланглаб, ароқни индамай ичдингу, яна қайтиб ўтириб олдинг-а, номард», — дея ёзғирди. Дўхтир, нима қилишим керак, айтинг!

Ниҳоят, тоқати-тоқ бўлган врач бошини аста кўтариб, пешонасини тириштирди:

— Хўш, яна қанча вақт сукут сақлаб ўтирмоқчисиз?!.



Рассом: Шавкат МУЗАФФАР

Ishonch

МУАССИС: Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси

Бош муҳаррир Абдуҳолиқ АБДУРАЗЗОҚОВ

Таҳрир ҳайъати:
Алла Долженкова, Анвар Юнусов, Довуд Мадиев (Бош муҳаррир ўринбосари), Жаҳонгир Шарофбоев (масъул котиб), Маъмура Адилова, Мирзоҳид Содиқов, Нормамат Аллаёров, Носирхон Акбаров, Ойсулув Нафасова, Пиримқул Қодиров, Соғиндиқ Ниетуллаев, Шамси Эсонбоев

Бизга қўнғироқ қилинг:
Котибият: 256-52-78
Хатлар бўлими: 256-85-43

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0116-рақам билан рўйхатга олинган. IBM компьютерида терилди ва саҳифаланди. Офсет усулида босилди. Бичими А-3. Ҳажми 4 босма табоқ.

E-mail: ishonch-doverie@mail.ru

Бизнинг манзил: 100165, Тошкент шаҳри, «Бухоро» кўчаси, 24-уй. Нашр кўрсаткичи: 133; 134

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.

Газета ҳафтанинг сешанба, пайшанба ва шанба кунлари чиқади.

Муаллифлар фикри таҳририят нуқтаи назаридан фарқланиши мумкин. Нашримиздан кўчириб босилганда «Ishonch»дан олинганлиги кўрсатилиши шарт. Тижорат аҳамиятига молик материаллар (h) белгиси остида чоп этилади.

ISSN 2010-5002

Навбатчи котиб - Ж.Шарофбоев
Навбатчи - А.Абдиев
Мусаҳҳиҳ - С.Шодиева

Саҳифаловчи-дизайнер: Ҳ.Абдужалилов

Буюртма Г—461 | Тиражи: 18410

Босишга топшириш вақти - 21.00
Топширилди - 21.00

Сотувда эркин нархда 2345678